

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН
ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАРИ МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ФОЯСИ: асосий тушунча ва тамойиллар

(*Изоҳли кўргазмали воситалар*)

*«Миллий истиқлол фояси: асосий тушунча ва тамойиллар» ўқув фани
бўйича маҳсус методологик комиссия тавсия этган*

Тошкент
«Янги аср авлоди» 2001

Кўлингиздаги тўплам миллий истиқлол гоясининг асосий мавзулари бўйича тайёрланган кўргазмали воситалар ва уларнинг маъно – мазмунига бағишланган. Унда миллий истиқлол гоясининг асосий тушунча ва тамойиллари чизмалар ва уларнинг изоҳлари тарзида ёритиб берилган.

Ушбу китоб бу борадаги илк тажрибалардан биридир. Ундан маърузалар, амалий машғулотлар, сұхбатлар ҳамда тарғибот-ташвиқот жараёнида ижодий фойдаланиш мумкин. Китоб К. Назаров томонидан тайёрланган, баъзи чизмаларни тайёрлашда С. Мамашокиров (31-34), М. Қуронов (43-47), Н. Раҳимбобоева (48-52) ва А. Қаҳрамоновлар (35-42- чизмалар) иштирок этган.

Шу соҳадаги асарлар ва қўлланмалар асосида тайёрланган ушбу кўргазмали воситалар тўпламини келажакда тўлдирилган ва янада бойитилган ҳолда чоп этиш заруратини хисобга олиб, у тўғридаги фикр-мулоҳазаларингизни куйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: Тошкент, Мустақиллик майдони-5. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. Телефон: 139-17-31.

Илмий мухаррир

— академик **Т. Т. РИСҚИЕВ**

Такризчилар

— ф.ф.д. **Ж. РАМАТОВ.**

ф.ф.н. **А. ХОЛБЕКОВ**

ISBN 5-633-01269-0

© Ўзбекистон файласуфлари
миллий жамияти, 2001

КИРИШ

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ГОЯСИ ЎҚУВ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

«Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар» мустакиллик йилларида шаклланган ўкув фанидир. Унинг мазмун-моҳияти Президент Ислом Каримов томонидан асослаб берилган гоя — юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга хизмат киладиган яхлит ва изчил таълимотни ёшларимиз қалби ва онгига сингдириш тўғрисидаги билимлар тизимидан иборат.

Бу фан аввало ушбу таълимотнинг тарихий манбалари, илмий, фалсафий, дунёвий ва диний илдизлари, асосий тамойиллари, назария сифатида намоён бўлиши, ўзига хос шаклланиш қонуниятлари ва хусусиятларини боскичма-боскич ўрганишни назарда тутади. Миллий истиқлол гояси, унинг асосий тушунча ва тамойиллари, биринчи галда ҳалқимиз даҳоси ва миллатимиз маънавияти, миллий ва умумбашарий қадриятлар, мустакил давлат барпо этиш йўлидаги бой тажрибалиримизга асосланади ва улардан озиқланади. Бирок ҳар қандай дараҳтдан мўл ҳосил олиш учун факат кўчат ўтказишнинг ўзи етарли бўлмаганидек, миллий истиқлол гоясининг кутилган самарани бериши учун уни жамиятимиздаги турли ижтимоий қатлам ва тоифалар манфаати нуқтаи назаридан мутассил равиша бойитиб бориш талаб этилади. Чунки миллий истиқлол гояси ҳалқимиз ва миллатимизнинг тараққиёт тамойилларини кўрсатиб борувчи умуммиллий дастур бўлиб, унда жамиятимизнинг ривожланиш диалектикаси акс этиб бориши керак.

Бу жараёнда, айниқса, миллий истиқлол гоясининг асосий тушунча ва тамойилларини кенг ҳалқ оммаси, аввало, унибўйсиз келаётган ёш авлод қалби ва онгига энг тасирчан йўллар

ва самарали усуллар билан сингдириш мухим вазифа ҳисобланади.

Қўлингиздаги ушбу қўлланма мазкур вазифани амалга ошириш йўлидаги дастлабки уринишлардан биридир. «Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамоийллар» рисоласи ҳамда олий таълим муасасалари учун мўлжалланган қўлланма асосида тайёрланган бу тўплам миллий истиқлол гояси асосий тушунча ва тамоийларини кўргазмали воситалар ёрдамида чукурроқ ўқитишни назарда тутади.

1-чизма.



«Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг асосий вазифаси эса ўз тизимидағи билим ва тушунчаларининг барчасини педагогик тамойиллар асосида, маърифий йўллар билан ўкувчилар онгига сингдириш ҳамда шу тариқа уларда янгича дунёқараш ва мафкуравий иммунитет асосларини, мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, ёш авлод қалбидагоявий бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймасликдан иборатdir.

Мустақиллик йилларида тўпланган тажриба ва ижтимоий ҳаёт ривожи аслида инсон, жамият гоя ва мафкурасиз яшай олмаслигини кўрсатди. Зотан, одамзот ўзининг руҳи ва шууридаги кўпдан-кўп саволларга жавоб бўладиган, уни доимий фаолиятга ундан турадиган ҳаётбахш гояга ҳамиша эҳтиёж сезиб яшайди. Чунки табиатда, жамиятда бўшлиқ бўлмагани каби инсон қалби ва онгига ҳам бўшлиқ бўлмайди. Жамият ҳаётида соғлом гоя устувор бўлиб турмаса, одамларнинг қалби ва онгини ёт, заарли гоялар эгаллаб, халқнинг турмуш тарзини издан чиқаради. Худди дунёнинг бойлиги турли кучлар ўртасида талаш бўлганидек, инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаб, уларни ўз қўлидаги куролга айлантириш мақсади ҳам жаҳонда ҳар хил тажовузкор оқим ва таълимотларни ўзаро курашга ундаши, айниқса, бугунги кунида яққол намоён бўлмоқда.

Юртбошимиз бугунги тараққиётнинг мана шундай ўзига хос қонуниятларини теран ҳис этиб, буюк мақсадлар билан яшаётган халқимизнинг интилишларига мос келадиган миллий истиқлол гояси тўғрисидаги таълимотни яратди. Бу таълимот Президентимиз асарларида тўла-тўқис асослаб берилган. Ана шу асарлар асосида 2000 йилда «Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар» номли маҳсус рисола чоп этилди.

Ҳозирги даврда миллий истиқлол гоясининг асосий тушунча ва тамойилларини юртдошларимиз, айниқса, ёшларга тушунириш, тарғиб этиш, ундаги билим-қарашлар асосида янгича эътиқод ва дунёқараш асосларини шакллантириш ниҳоятда муҳим.

Шунинг учун Президентимиз 2001 йил 18 январда «Миллий истиклол фояси: асосий тушунча ва тамойиллар»ни мамлакатимиз таълим тизимиға янги фан сифатида жорий этиши тўғрисида фармойиш чикарди. Бугунги кунда таълим муассасаларида кенг ўрганилаётган фан шу тариқа юзага келди.

2-чизма.



Шу ўринда қуйидагини ёдда тутиш лозим: Миллий истиқлол фояси билан «Миллий истиқлол фояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанинг мақсадлари бир-биридан муайян даражада фарқ қиласи. Чунки уларниң биринчиси таракқиётизмизнинг фоявий асослари ва мафкуравий таълимотини ўзида

мужассам этган назарияни, иккинчиси эса шу назария ҳақидаги ўкув фанини билдиради.

Президентимиз Ислом Каримов миллий истиқлол гояси ва мағкурасининг мақсади ҳақида фикр юритиб, уни шундай таърифлаган: «Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан баҳт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидоийликни ҳаёт мезонига айлантириш миллий истиқлол мағкурасининг бош мақсадидир»¹.

Шу билан бирга, миллий истиқлол гоясининг ижтимоий вазифаси билан «Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг вазифаси ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Бу фарклар гоянинг инсон ва жамият ҳаётидаги функцияси билан фаннинг ижтимоий тафаккур ва таълим-тарбия тизимидағи функцияси ўртасидаги ўзига хосликдан келиб чиқади.

Юртбошимиз миллий истиқлол гоясининг вазифаси ҳақида тұхталиб шундай деган эди: «Мен миллий истиқлол гояси бугун тез суръатлар билан ўзгараётган дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканизмизни ҳис этиб яшашга, бу бойликни асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон тараққиёти ютуклари билан озиклантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур, деб биламан»².

Бу орзу-умидлар ва интилишларни амалга ошириш ушбу фанни ўқитишида бир қатор талабларга ахамият беришни заруратга айлантиради.

¹ «Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллари». Т.: «Ўзбекистон», 2000 й. 7-бет.

² Ўша китоб, ўша бет.

З-чизма.



Мазкур тавсияларга амал қилиш ушбу фаннинг моҳияти, мазмуни, асосий қоидалари, тушунчалари, тамойил ва хусусиятларини атрофлича очиб беришга хизмат қиласи. Бу фаннинг асосларини ўргатишда факат ана шулар билан чегараланиб қолмасдан, ҳар бир ўқитувчи назарий ва амалий машгулотларга алоҳида куйинчаклик ва масъулият билан ёндашади, деб ўйлаймиз.

I боб. ФОЯ ВА МАФКУРАЛАР ТАРИХИДАН

Инсон ҳаётида ҳам, жамият тараккиётида ҳам гоялар мұхим ўрин тутади. Шу маңнода, **инсоният тарихи — гоялар тарихидир.**

Хүш, гоя нима, нега унға бу қадар катта әထтибор ва әжамият берилади? Маълумки, ҳар қандай міллат ва халқ, ҳар қандай ижтимоий тұзум ва давлат мұайян бир тамойындар ва қадриятлар асосида ҳаёт кечиради ҳамда ўз машфаатнари, мақсад-муддаолари, орзу-интилишілерини құзлаб ҳаракат кылади. Бинобарин, улар ҳаётдаги маълум бир мафкурага таянади. Инсон тафаккури воқеликни идрок әтиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, гоялар ва таълимотлар яратади. Бинобарин, **гоялар ҳам инсон тафаккурининг маҳсулидир.** Лекин тафаккур яратған ҳар қандай фикр ёки қараш, мұлоҳаза ёки нұқтаи назар гоя бўла олмайди. Факат энг кучли, таъсирчан, залворли фикрларгина гоя бўла олиши мумкин.

4-чизма.

Гоянинг фалсафий талқини



Гоя воқелик ва ҳаёт таъсирида вужудга келадиган, уни ақс эттириши асосида шаклланадиган дүнёни билішининг ўзига хос шакларидан биридир. У шахс, жамият, ижтимоий груп, партия ва бөшкәларининг мұайян мақсадларини ифодалайди, уларни бу йүлда бирлаштыради, үюштиради, фаолиятга ундаиди, сафарбар қиласади.



Гоя – ижтимоий фикр сифатида шаклланади.

Гоя – мұайян тарзда намоён бўлади.

Гоя – бирон-бир мақсадни ифодалайди.

Гоя – амалий ҳаракатга ундаиди.

Гоя – мұайян мафкуранинг асоси бўлади.



Илмий адабиётларда «фоя», «мафкура», «идея» ва «идеология» тушунчалари ишлатилмоқда. «Идея» ва «идеология» кўпроқ ғарб давлатларида ҳамда рус тилидаги манбаларда учрайди. Идея ибораси юон тилидаги «idea» сўзидан олинган. У идеология сўзининг ўзаги бўлиб ҳисобланади ва тушунча ёхуд фикр маъносини англатади. Идеология (Idea — фоя, тушунча, logos — таълимот) атамаси эса фоялар тўғрисидаги таълимотни англатади ва икки хил маънода ишлатилади:

—фояларнинг моҳият-мазмуни, шаклланиши, аҳамияти тўғрисидаги билимларни ифодалайди ва илмий соҳа бўлиб ҳисобланади;

—муайян фояни амалга ошириш, мақсадга етиш усуллари, воситалари, омиллари тизимини англатади.


Фояларнинг оддий фикрлардан фарқи яна шундаки, улар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, инсон ва жамият руҳиятига, ҳатто туб қатламларига ҳам сингиб боради. Фоя шундай кувватга эгаки, у одамнинг ички дунёсигача кириб бориб, уни харакатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий-маънавий кучга айланади.

Фоя моҳиятнан ижтимоий характерга эга. Муайян фоя одатда алоҳида олинган шахс онгида шаклланади, кейинчалик эса жамиятининг турли қатламларига тарқалади, турли элат ва мил-

латлар орасида ёйилади. Мустақил ҳаётга қадам қўяётган янги авлод жамиятда мавжуд гоялар таъсирида тарбияланади, муйайян қараашлар ва гояларни ўз эътиқодига сингдиради, ўз на-вбатида янги гояларни яратади ва тарғиб этади.

Гояларнинг турлари кўп. Оламни вужудга келиш, мавжудлик концепциялари, унинг асосини нима ташкил этгани каби масалаларни фалсафий талқин этиш натижасида монизм, дуализм, плюрализм, идеализм ва материализм сингари оқимлар вужудга келди.

5-чизма.



Мазмунни ва намоён бўлиш шаклига қараб, гояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин.


- илмий гоялар;
- фалсафий гоялар;
- диний гоялар;
- бадиий гоялар;
- ижтимоий-сиёсий гоялар;

- миллий гоялар;
- умуминсоний гоялар ва ҳоказо.

Үз олдига қўйган мақсади, қандай жамият қурмоқчи экани, бунга қандай йўллар ва воситалар билан эришмоқчи бўлаётгани ҳақидаги гоялар тизими ҳар бир миллат, ҳалқ ва жамиятнинг миллий мафкураси асосини ташкил этади

Фоя ва мафкуранинг тарихий шаклларини, мазмун — мөхиятини азал — азалдан эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва вайронкорлик ўртасидаги кураш диалектикаси белгилаб келади, яъни босқинчилик, бошқалар хисобидан бойиш, тажовузкорлик, ақидапарастлик мафкураларига қарама - қарши ўлароқ, озодлик, мустақиллик ва адолат гоялари узлуксиз майдонга чиқиб, ҳалкларнинг музаффар байробига айланган. Бунёдкорлик гоялари инсонни улуғлайди, унинг руҳига қанот бағишилади.

6-чизма.




Бузғунчи гоялар эса ҳалқлар бошига сўнгсиз кулфатлар келтиради. Бунга олис ва яқин тарихдан кўплаб мисоллар

келтириш мумкин. Инсон ва жамият бор экан, эзгу ғояларнинг зидди бўлган зулм ва зўравоилик, қабоҳат ва жаҳолат янги-янги шаклларда намоён бўлишга уринади. Лекин улар одамзотнинг адолат, тинчлик ва биродарлик, тараққиёт ва фаровоилик ғояларига таяниб, олий мақсадлар сари интилишларини асло тўхтата олмайди.

7-чизма.

Вайронкор ғоялар



Шу билан бирга вайронкор ғояларнинг мазмун-моҳиятини, мақсад-муддаоларини билиш ниҳоятда муҳим. Бу фукаролар, айниқса ёшлар учун бузғун ғоялар хавфини англаш, ўзларида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш учун зарур билимларни эгаллашига ёрдам беради.

Фоянинг инсон ҳаётидаги ўрии ва аҳамияти жуда муҳим фалсафий масаладир. Инсон ўзи ғояларни яратади, улардан куч-қувват олади. Ўзи яратган ғоялар инсоннинг онги ва шуурини, тафаккури ва эътиқодини эгаллаб, унинг соҳибига айланади. Юксак ғоялар одамларни олижаноб мақсадлар сари етаклайди. Фояси етук, эътиқоди бутун, қадриялари юксак инсонгина мардлик намуналарини кўрсата олади.

Ҳар бир ҳалқнинг тарихи шу ҳалқдан етишиб чиққан буюк сиймолар, мард қаҳрамонлар ва фидойи инсонлар тарихи асосида битилади. Ҳалқимизнинг Широқ ва Тўмарис, Спитамен

ва Муқанна, Темур Малик ва Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва Бобур Мирзо каби мард фарзандлари — буюк ғоя соҳибларирид.

Минг йиллар ўтса ҳам, улуг аждодларимизнинг матонати ва қаҳрамонлиги ҳалкнинг хотирасидан ўчмайди. Чунки улар юксак ғоялар — Ватан озодлиги, эл-юрт баҳт-саодати, илму урфон ривожи йўлида жон фидо килғанлар. Аҳмад Яссавий бутун умрини ҳак ишқида ўтказганида ҳам, Нажмиддин Кубро мӯғул босқинчилариға қарши жанг қилғанда ҳам улуғвор ғоялар уларга сабр-бардош ва матонат ато этган. Жордано Бруно жисму жонини эгаллаган буюк ғоя туфайли гулхан алангасида ҳам ўз эътиқодидан қайтмаган, Насимийни товонидан сўйсалар ҳам, ишқи илоҳий деб жон берган. Жаҳон тарихидан, жумладан ҳалқимизнинг ўтмишидан ҳам, кайси соҳада бўлмасин, мардлик ва жасорат кўрсатиш учун инсонга албатта улуғвор ғоя керак эканига кўплаб мисоллар топилади.

Муайян бир гоя дастлаб бирон-бир шахснинг онгида пайдо бўлади. Айни пайтда у юксак ижтимоий мазмунга эга бўлгани, жамиятнинг тараққиёт йўлидаги эзгу интилишларини акс эттиргани боис умуминсоний ҳақиқатга айланади. Жаҳон тажрибасига назар ташласак, бутун дунё тараққиётига улкан таъсир кўрсатган назарий таълимот ва мафкураларни яратиш учун инсоният тарихининг турли даврларида улкан ақл-заковат, истеъодод ва терап тафаккур соҳиблари мислсиз заҳмат чекканини кўрамиз. Сукрот ва Платон, Конфуций ва Зардушт, Алишер Навоий ва Махатма Ганди каби буюк мутафаккирлар фаолияти бунинг яққол тасдифидир.

Бунёдкорлик ғоялари юртни обод, ҳалқ ҳаётини фаровон қилишдек олижаноб мақсадлар билан ажralиб туради. Улар инсоният цивилизацияга эришган даврлардан буён жамият ҳаётининг энг эзгу ғоялари сифатида яшаб келмоқда. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбек том маънода бунёдкордир», деган сўзларида ҳам ана шу боқий ғояларнинг маъно-мазмуни ўз ифодасини топгаи. Бундай бунёдкорлик ҳалқимизга отабоболаридан меросдир.

Шарқда, жамият ривожи ва бунёдкорлик ғоялари хусусида Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоий қарашлари ўзига хос ўрин тутади. Улар асарларида олижаноб жамият, адолатли тузум ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён килиб, ўз даври учун изчил таълимот яратди. У ҳар томонлама етук, барча аҳолини баҳт-саодатга, илм-маърифатга олиб борувчи идеал жамоа ҳақидаги ғояларни олға сурди.

❖ Миллий давлатчилик ғояси ва унинг ҳалқлар тараққиётiga ижобий таъсирини мустақил Ўзбекистон мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўзбекистоннинг ҳалқаро ҳамкорлик, минтақавий тинчлик, миллатлараро тотувлик борасида олиб бораётган сиёсати барқарорлик ҳукм суришига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мафкура — муайян ижтимоий гурух ё қатламининг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимиdir.

Муайян тарихий давларда бальзи мафкуралар давлат идеологияси даражасига кўтарилиган. Замонлар ўтиши билан уларнинг айримлари ўз мавқеини йўқотган, лекин миллат маънавиятининг таркибий қисми сифатида сақланиб қолган. Ҳалқ улардан қувват олган, маънавий озикланган, улар орқали ўз қадриятларини сақлаган.


| Инсоният тарихида ўз талаб-эҳтиёжларини бошқа ҳалқлар хисобига кондириш истаги талончилик ва босқинчилик, буюк давлатчилик ва тажовузкор миллатчилик, фашизм ва экстремизм каби мафкураларни юзага келтирган. Бундай ғоялар ҳалқлар бошига кўп кулфат ва мусибатлар солган.

Ўз тарихини асосан XIX асрдан бошлаган аиа шундай мафкуралардан бири — синфий антогонизм ғояларини мутлақлаштирган ва ҳокимиятни қурол кучи билан эгаллаб олган собиқ коммунистик тузум мафкураси эди. Синфий кураш ғояси асосига қурилган ва Миллионлаб кишилар тақдирида машъум из колдирган`бу мафкура жамиятни бир-бирига қарама-қарши тарафларга ажратиб юборди. Синфий кураш чизини пафакат ижтимоий гурух ва қатламлар орқали, ҳатто оилалар ва ин-

сонлар рухияти орқали ҳам ўтди. Оқибатда гражданлар урушига назарий пойdevor қўйилди. Инсон табиатига, унинг мөхияти ва рухиятига зид бўлган биродаркушлик ҳолати вужудга келди. Ўғил отага, ука ақага, дўст ўз биродарига қўл кўта-риши ёқлаб чиқилди, рағбатлантирилди. Булар мардлик ва синфий онглилик намунаси деб талқин этилди. Натижада миллий қадриятлар топталди, миллионлаб кишилар ҳалок бўлди, бутун бошли ҳалклар ўз ватанидан бадарға қилинди.

8-чизма.

Хар қандай мафкура муайян гояга ишонтириш, ўюштириш, сафарбар этиши, маънавий-руҳий рагбатлантириш, гоявий тарбиялаш, гоявий иммунитетни ҳосил қилиш, ҳаракат дастури бўлиши каби асосий вазифаларни бажара олсагина, амалий самара бериши мумкин.




Зўрлик асосига қурилган ва зиддиятли тизимга асос бўлган бу мафкура дунёнинг олтидан бир қисмили эгаллаган улкан салтанат ва социалистик лагерь ҳудудида етмиш йил ҳукм сурди. Охир-оқибат ўзининг файриинсоний ва файримиллий мөхияти, мустабид табиати туфайли таназзулга юз тутди. Ўзи таянган давлатни ҳам ўзи билан бирга олиб кетди.

Тарихдан маълум бўлган реал мустабид тузумларни киёсий таҳлил этиши улар амал қилган мафкураларнинг умумий хусусиятларини ҳамда бу гояларни амалга ошириш билан боғлик қатор салбий оқибатларни аниқлаш имконини беради. Мус-

9-чизма.

Аслида, менинг назаримда, одамнинг қалбидаги иккита куч – бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиши ўзаро курашади.
Ислом Каримов




табидчилик мафкуралари «янги жамият» ва «янги инсон»ни вужудга келтиришни ўз максади деб эълон қиласди, бунда шахс манфаатлари, айниқса, шахс эркинлиги тор ҳукмрон табака, мустабид тузумнинг манфаатларига бўйсундирилади. Бундай ижтимоий тузум «демократиянинг олий шакли», ҳалқ ҳокимияти шакли, деб эълон қилинади. Лекин бунда демократия ҳалқ иродасининг амалга оширилиши деб эмас, балки ҳатто ҳалқ иродасига қарши боришга тўғри келган тақдирда ҳам зўравонлик воситалари билан ҳалқ «фарновонлиги»ни амалга ошириш деб тушуниллади. «Мустабидчилик мафкураси» ўзини ҳақиқатнинг гавдаланиши ва фарновонликнинг намоён бўлиши деб ҳисоблагани учун ҳам ҳар қандай фикр, ҳар қандай бошқача мулоҳазага бартараф этилиши лозим бўлган ёвузлик (атайлаб қилинган ёки атайлаб қилинмаган) деб қаралади. «Мустабидчилик мафкураси» гўёки танқиддан холи, қандай-

дир иҳоталанган ишонч объектига айланади. Бошқача айтганды, бундай мафкура әркіншік, инсоний ҳақиқат устидан үз зўрлиги ва ҳукмронлигини ўрнатади.

Ахборот монополияси ҳам сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятни мутлақлаштириш билан чамбарчас боғлиқидир: «мустабид тузум»да барча ахборот воситалари, жамиятда муомалада бўлиб турган ахборотнииг мазмунни ҳам аппаратнииг каттиқ назоратига олиниади. Зўравошлик ишлатмасдан туриб бутун монополиялар тизимини саклаш ва мустаҳкамлаш мумкин бўлмайди. Шунинг учун ҳам давлат терроризмни, террорни ички сиёсатни амалга ошириш воситаси сифатида қўллаш «мустабидчилик тузумлари» учун хосдир.

10-чизма.

Яккаҳокимликка интилган, мутлақ ҳақиқатни даъво қиладиган мафкуранинг истиқболи йўқ. Чунки у яккаҳокимлик ўрнатиш баробарида үзини бойитиб борадиган манба – фикрлар ранг-баранглиги ва қарашлар хилма-хиллигидан узилиб қолади. Муайян гурух ёки партия гоялари ҳукмрон мафкурага айланса, ҳурфикарлик, виждон эркинлиги ва қарашлар хилма-хиллиги чекланади, мутлақ ҳақиқатга эгалик даъвоси, мустабидлик тамоиллари кучаяди.



Мустабидчилик мафкуралари ўз давлатларида ижтимоий ва шахсий ҳаётининг барча соҳаларини тўлиқ қамраб олишга, ягона дунёкараш тизими ҳукмронлигини ўрнатишга интила-

дилар. Бу мафкуралар буюк ва ёркни ўтминин никор этадилар. Улар жамиятни инқилобий йўл билан ёниасига кайта тузиш зарур ва уни амалга ошириш мумкин, деб ҳисоблайдилар, ўзларигача бўлган қадриятларниң барчасини ёхуд кўичилигини бекор қилиб, уларни факат ўз тамойиллари билан алмаштирумокчи бўладилар.

Масалан, биринчи қарашда, узок ўтминига қайтишига чақи-рувчи ислом фундаментализми гўёки бундан мустасиодек туюлади. Бироқ, аслида бунда ҳам ўша андоза сакланиб қолади. Яъни, ислом фундаментализми тарих ғидирагани ўрта аср жаҳолати даврига қайтариш никоби остида, бир хиллаштирилган мустабид «келажак»ниң ўзига хос андозасини таклиф этадики, унда иносон фуқаролик ҳуқукларидан тўлиқ маҳрум қилинади, хақиқатда диний ақидапарастлик террорига дучор этилади.

Мустабид ғоялар устувор давлатларниң ўзига хос яна бир характерли хусусияти жамиятниң ҳарбийлаштирилиши, «ҳарбий лагерь» ёки «қамал қилинган қальъа» йўсимидағи ғоявий-психологик вазиятни вужудга келтиришдан иборатdir. Бунда мамлакат ичида ҳарбий фанатизм вазияти авж олдирилибгина колмасдан, шу билан биргга, агрессив ташки сиёсат ҳам амалга оширилади. Бу сиёсат ҳарбий-худудий ва мафкуравий босқиччилик қилининг мустабидчилик тартибларини кенимикёсда қарор топтиришга қаратилади.

Лекин тарих ҳақиқати шундан иборагки, мустабидчилик мафкураларниң турли андозалари ва лойиҳалари асосида яратилган демократияга карши тузумларни инровард патижада ҳалокатга учраши мукаррардир.

Бироқ, ғоявий кураш тобора янги-янги қиёфага кирмокда. Президентимиз Ислом Каримов ҳаққоний равнида таъкидлаганидек: «Кўп синовлар, азобу укубатлар, ҳатолар, фожеалтар, катагонларни боидан кечирган, асrimiz иоёнига етётган иносоният янги аср бўсағасида турган бугунги кунда турли хил эски ва янги мафкураларниң ўзаро куранни ҳар қачонидан ҳам кўра шиндатли тус олмоқда. Рафт-баранг, баъзан бир-бирига зид дунёкарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар,

мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб, қонли тўқиашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда. одамлар бошига беҳисоб қайфу-кулфатлар солмоқда».

Ана шу сабабдан ҳам мустақил Ўзбекистонда ҳозирги даврда миллат, жамият, давлатнинг бирлаштирувчи байроби бўлган миллий ғоя ва мағкуруани шакллантириш ва ҳалқимиз онгига сингдириш юзасидан фаоллик билан иш олиб борилмоқда. Бу мағкура мустақиллик йилларида эришилган ғалабаларни, энг катта ютуғимиз бўлган истиқлолимизни, Она Ватанимизни, фарзандларимизнинг баҳтли келажагини фидойилик билан ҳимоя қилиш, доимо ҳушёр ва сергак бўлишга ёрдам беради. Зоро, Ўзбекистон бизнинг умумий уйимиз — уни асрар ҳар биримизнинг муқаддас вазифамиздир. Шу маънода миллий истиқлол ғояси ҳар биримизнинг қалбимизга сингадиган, умумий ғоямиз, онгимиз, дунёқарашимизнинг таркибий қисмидир.

II боб. ҲОЗИРГИ ЗАМОНДА ИНСОН ҚАЛБИ ВА ОНГИ УЧУН КУРАШ

*“Бугунги замонда мағкура полигонлари ядро
полигонларига нисбатан ҳам күпроқ күчгө эга»*

И. Каримов

• Бутун Ер юзи одамзод учун ягона макон бўлиб ҳисобланади. Аммо тарихда мавжуд`чегараларни `ўзгартириш, муайян ҳудудларни босиб олиш учун сон-саноқсиз урушлар бўлган. Бу жараёнда эса уруш қуроллари мунтазам такомиллашиб борган. Мазкур урушлар то XX асргача асосан кўпроқ бир давлат ичида, икки давлат ўртасида ёки нари борганда бир минтақа доирасида бўлиши мумкин эди. Тўғри, айтайлик, Александр Македонский, Чингизхоннинг улкан давлат барпо этиш ёки ўрта асрлардан бошлаб европалик истилочиларнинг бошқа қитъаларни забт этиш учун олиб борган урушлари кўлами жиҳатидан бир-биридан ажralиб туради. Аммо бундай ҳолатлар истисно ҳодисалар сифатида баҳолапмоғи керакка ўхшайди. XX асрда рўй берган иккита жаҳон урушида ўнлаб давлатлар, бир неча қитъа мамлакатлари иштирок этганлигини эсласак, бундай хулоса муайян даражада ўринли эканлигини ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Хуллас, уруш қуроллари такомиллашиб бораверди. Бугунги кунда улар бошқа ҳудудни босиб олиш у ёқда турсин, балки бутун Ер сайёрасидаги ҳаётни бир неча марта йўқ қилиб ташлашга етади. Инсоният XX аср охирига келиб бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, наркобизнес, терроризм каби муаммолар ана шулар жумласидандир. Дунёда глобаллашув, ахборот оқимиининг тезлашуви ва интенсивлашуви, универсал технологиялар билан боғлик умумбашарий жараёнлар ҳам бормоқда.

Шу билан бирга, хозирги вақтда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва фундаментализм, иркчилик ва диний экстремизм мафкуралари шулар жумласидандир. Натижада дунёда инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш тобора кучайиб бормоқда. Бу ҳол бугунги кунда дунёнинг мафкуравий манзарасини белгилаб бермоқда.

11-чизма.




XX аср сўнгидаги рўй берган улкан ижтимоий—сиёсий ўзгарышлар, икки қутбли дунёнинг барҳам топиши натижасида нисбий мувозанатининг бузилиши жаҳоннинг мафкуравий манзарасини тубдан ўзgartириб юборди.

Инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш хилма-хил тоялар билан қуролланган, турли манбалардан озиқланадиган мафкураларнинг асосий мақсадига айланмоқда. Дунёни ўз мақсадлари йўлида ўзgartирмоқчи бўлаётган мафкура шакллари барқарорлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда.

12-чизма.

Жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар



Тараққиётга нисбатан хавф-хатарлардан бири буюк давлатчилик шовинизмидир. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Буюк давлатчилик шовинизмини муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтақавий муносабатларда уига итилиши деб таърифлаш мумкин».

Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларниң нафакат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жугрофий-сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмроилигини ўрнатиш учун курашида намоён бўлади¹.

Буюк давлатчилик шовинизми бугунги қунда пансоветизм билан ўзига хос тарзда қўшилиб кетмоқда. Пансоветизм тушунчаси узок вакт давомида бир иттифок доирасида яшаш

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартларни ва тараққиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон». 1997. 52-бет

натижасида ижтимоий-маданий ҳаётда юзага келган муайян яқинлик, ўхшашлик, умумийлик, иқтисодий алоқадорлик ва боғлиқликни мутлаклаштиришга асосланган.

Буюк давлатчилик шовинизми жонланишининг сабаблари нимада? Жиддий таҳлил килинадиган бўлса, биринчидан, бе-ҳисоб хомашё ресурслари, ишчи кучи, транспорт коммуникацияларидан фойдаланишдан, геостратегик мавқедан маҳрум бўлиш; иккинчидан, собик колонияларнинг ўз метрополияси таъсири ва тазиқидан халос бўлишга интилиши, мустақил ички ва ташки сиёсат юрита бошлиши; учинчидан, халқаро майдонда тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик устувор бўлиб бораётганини тушунмаслик, тўғрироғи тушунишни истамаслик; тўртичидан, бошқа кучлар маркази томонидан гўёки унинг «ҳаётий манфаатлари» тан олинмаётгани, у амал қилаётган ҳудудлар торайтирилаётганини рўкач қилиш, бешинчидан, мақтапчоқлик, инсоният тараққиётига қўшган ҳиссасига ортиқча баҳо бериш, уни бетакрор ва ноёб деб ҳисоблаш ҳозирги кунда буюк давлатчилик шовинизмининг жонланиши учун «асос» бўлиб хизмат қилмоқда.

Бунда оммавий ахборот воситалари орқали психологик таъсир ўтказишнинг янгидан - янги усусларидан фойдалана-дилар. Хусусан, миллий ҳаётимизга хос муайян хусусиятларни очиқдан-очиқ коралаш, ерга уриш ёки айрим тарихий воқеа-ҳодисаларни умуман бўлмагандек, жаҳон маданияти, илму фанига улкан ҳисса қўшган улуғ алломаларимизнинг бизга алоқаси йўқдек қилиб кўрсатишга уринишлар мавжуд.


Шунингдек, минтақа давлатлари ўртасида зиддиятлар келтириб чиқариш ва жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида потўғри тасаввур туғдиришга бўлаётган интилишларни ҳеч қачон эътибордан четда колдирмаслигимиз лозим.

Бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган экан, хилма-хил қарашларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга интилиши табиий, албатта. Бунга эътиқод умумийлигига асосланган ҳолда якка мафкура ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий

жихатдан ўзига қарам қилишга бўлаётган хатти-харакатларни мисол келтириш мумкин.

Диний ақидапарастлик ҳам шулар жумласидандир. Масалан, ислом динидаги ҳозирги ақидапарастлар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатъий назар, барча мусулмонларнинг маънавий бирлиги ҳакидаги тасавурларга таяниб уларнинг ягона халифалик остида сиёсий бирлашуви гоясини асослашга ҳаракат қилади. Кўриниб турибдики, бу идеология диний асосда бирлашув гоясини биринчи ўринга қўяди.

13-чизма.



Аммо, жиддий эътибор бериладиган бўлса, биринчидан, улар миллий суверенитетдан воз кечиш ҳисобига ягона давлат тузишни кўзлаётганлари маълум бўлади. Иккинчидан, халифаликни тиклашга, унинг тўғри эканини асослашга уринувчилар, бу ҳол айнан миллат сифатида ўзлигимизни англашга йўл қўймаслигини яширадилар. Бу гояни тиқиширишда улар

бизнинг ислом динига эътиқод килишимизга алоҳида урғу берадилар. Бундан ташқари, бу оқим тарафдорлари халифалик байроғи остида бирлашишин поисломий дунёга қарши туриш максади билан боғлашларини ҳам таъкидлаш зарур. Бундай ёндашув ўта хавфли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Зоро, у инсониятнинг диний асосда қарама-қарши кутбларга бўлинниб кетишига, баъзан «цивилизациялар тўкнашуви» деб аталадиган ҳодисанинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Хозирги кунда тил, маданият, урғ-одатлардаги умумийлик, бошқача айтганда, этник бирликка асосланган ҳолда ягона мафкуравий майдонини юзага келтириш борасидаги қарашлар ҳам мавжуд. Бундай қарашларнинг шаклланиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бугунги кунда уларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда дунёнинг мафкуравий манзарасида муайян ўринини эгаллашга уринмоқда.

14-чизма.

Хозирги даврда мафкуравий жараёнларнинг хусусиятлари



Мафкура ва мафкуравий тарбия масаласи ўз мустақиллигини қўлга киритган, демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятининг асосларини яратадиган мамлакатимиз

учун ҳам муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Зеро, кўзланган мақсадларга ушбу орзу-умид ва интилишларни ўзида мужассамлаштирган ғоявий-назарий қарашлар мажмуй бўлмиш миллий мафкура ва унга асосланган тарбия тизимисиз эришиш мумкин эмаслиги аниқ. «Мен,- деб ёзди Президентимиз,-Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат- ё фалокат масаласидир» деган фикрини кўп мушоҳада қиласман. Буюк маърифатиарварининг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қашчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбdir».

Бу масаланинг долзарблиги юкорида қайд этилган мафкура шаклларининг хавфини бартараф этиш зарурлиги билан ҳам белгиланади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, уларга ғоя ва маърифат билан карши курашиш лозим. Мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий ҳамкорлик, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликни саклаб қолиш ва ривожлантириши йўли билангина қўлга киритилган истиқлонлии ҳимоя қиласми. Ҳалқаро ҳамжамият, шу жумладан тарих такозоси билан алоқалар кучли ривожланган давлатлар билан тенг ҳуқуқли, иззат-икромли муносабат, ўзаро манфаатли алоқалар эса мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласди. Аниа шундагина, юртбошимиз таъбири билан айтганда, минтақамиз ҳеч қачон цивилизациялар тўқнашмайдиган, балки улар бир - бирита таъсир этиб, бир - бирини бойитишининг ибратли намунасини берадиган маконига айланади.

Мафкуравий таъсир ва таҳдиidlар ҳақида таң кетар экан, уларни аниқлаш, баҳолаш, хусусиятларини яққол кўрсатиш учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан шиммий муомалага бир қатор тушучалар киритилганинг қайд этиш лозим. Улар қаторида «мафкуравий иммунитет», «мафкуравий профилактика» кабилар бор. Аниа шу тушучаларнинг мазмуни ойдинлаштирилганда ҳозирги дунёда кечаётган мафкуравий жараёйларининг характеристини янада яққолрок тасаввур килиш имкони туғилади.

15-чизма.



Бугунги дунёда мислсиз илмий кашифиётлар, улкан техникиавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун кураш заминини қамраб олиши жараёни шиддат билан бормоқда. Бу жараёнлар жаҳон тараққиётининг муҳим хусусияти эканини эътироф этган ҳолда, уларнинг кучли мафкуравий таъсир воситаси эканини ҳам унумласлик даркор.

Нима учун кишилар онги ва қалби учун кураш турли мафкураларнинг бош мақсадига айланиб қолди? Гап шундаки ғоя факаттина инсон қалбини эгаллагандан, инсон маънавий-рухий ҳолатининг узвий қисмига айлангандагина ҳаракатга даъват этувчи, рағбатлантирувчи кучга, ҳаракат учун қўлланмага айланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда нафақат инсон онгини, балки қалбини ҳам эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсади бўлиб қолмоқда.

Марказий Осиёда ҳам мураккаб мафкуравий жараёнлар бормоқда. Бунда, аввало, Марказий Осиё ҳалқлари мустаҳкам дўстлигининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки, минтақа туб ҳалқларининг маънавий илдизлари бир, руҳи, турмуш тарзи яқин, улар ана шу бой манбадан бирдек баҳра оладилар. Шу маъниода ҳам улар бирлигини мустаҳкамлаш умумминтакавий маънавий юксалишимизга ўзининг ижобий

таъсирини ўтказиб тураверади. Бу жараёнга қарши қаратилган ҳар қандай мафкуравий таъсир ёки ҳаракатлар умумминтақавий барқарорликка халақит беради.

Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар тизимида Афғонистонда давом этгандан фуқаролар уруши ҳам алоҳида ўрин эгаллаб турибди. Йигирма йилдан буён давом этиб келаётган ҳарбий мажоралар оқибатида умуминсоний цивилизациядан узилиб қолган Афғонистон ҳудуди ҳалқаро террорчилик ва диний экстремизм, курол-яроғ ва гиёхванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ўчоғи бўлиб қолди. Бу эса турли заарли ғояларнинг террорчилик, таҳдид ва таҳлика йўли билан бутун минтақага ёйилиш хавфини туғдирмоқда.

16-чизма.

Хозирги даврда Марказий Осиё сиёсий ҳаритасида рўй берган туб ўзгаришлар туфайли бу минтақага нисбатан геополитик ёндошувларнинг ифодаси бўлган мафкуравий жараёнлар мураккаблашиб бормоқда. Мустақил тараққиёт, эркин ва фаровон ҳаётга бўлган ишонч-эътиқодни мустаҳкамлаша шўлида хавф-хатарларнинг олдини олиш учун муттасил оғоҳ бўлиб яшаш, биргаликда кураш олиб бориш минтақа ҳалқлари учун ҳаётий заруриятга айланаб қолди.



2000 йилнинг сентябрь ойида ҳам БМТ Бош Ассамблеяси «Минг йиллик саммити»да Президентимиз минтақамиз хавф-

сизлигини таъминлаш билан боғлик бўлган халқаро терроризм ва наркобизнесга қарши фаол курашиш, Марказий Осиё минтақасидаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш ва жаҳон хавфсизлик тизимини такомиллаштириш муаммоларига эътибор қаратди. Минтақа халқлари учун ўта мухим аҳамиятга эга бўлган бу жараённи тўғри англаб етган Марказий Осиё мамлакатларининг раҳбарлари факат 2000 йилининг ўзида бир неча бор учрашдилар. Хусусан, октябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган учрашувда «Марказий Осиёда наркотикларни ноконуний савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши кураш бўйича хамкорликнинг устувор йўналишлари» тўғрисидаги ўта мухим ҳужжат имзолангани бунга мисол бўлади.

Минтақада хавфсизликни таъминлашниң асосий шарти Афғонистонда давом этаётган фуқаровий урушни тұхтатиш, у ерда тинчликни таъминлашып. Чунки бу заминда давом этаётган уруш натижасида наркотик моддаларни ноконуний йўл билан минтақа мамлакатларига олиб ўтиш, қуролларни файриконуний йўл билан тарқатиш, террорчилик ҳаракатларини авж олдириш содир бўлмоқда. Бу борада ҳам Ўзбекистон илгари сураётган Афғонистондаги ҳарбий можароларни сиёсий йўл билан хал этишга қаратилган «6+2» гурухи фаолиятини йўлга кўйинш, террорчиликка қарши халқаро кураш марказини ташкил қилиш борасидаги ташаббуслар, минтақа мамлакатлари ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш юзасидан олиб борилаётган савй-ҳаракатлар мухим аҳамият касб этади.

Маълумки, «фундаментализм», «экстремизм», терроризм», каби тушунчалар жамиятда кабул қилинган қонун-қоидаларга мос келмайдиган ва уларга зид бўлган foялар ҳамда улар асосидаги ҳаракатларни ифодалайди. Қандайдир бир йўналишни ёки ақидани мутлактаптириб ёки бузиб талқин этган ҳолда сиёсий мақсад қўювчи ҳаракат экстремизмга олиб келади. Экстремизм қандай номланган ёки қандай қўришишга эга бўлмасин, унинг асосий мақсади жангари гурухларни шакллантириш орқали ҳокимият тенасиға келишдан иборат. Худди шундай «фундаментализм», «терроризм» каби сўзлар ҳам

том маңнода ҳокимият ёки бирор бир ғаралы мақсадлар учун курашувчи ижтимоий-сиёсий гурұх әрекеттерге тегишилидір.

17-чизма.



Аслида «фундаментализм» ва «экстремизм» ғояларининг Марказий Осиёга кириб келишидан күзланған мақсад - диннинг қадриятларини қайтадан тиклаш әмас, балки ана шу ғоялардан восита сиғатида фойдаланиши орқали минтақада бекарорликни, диний ва миллатлараро низоларни вужудға келтириш, охир-оқибат әса ҳокимияттн құлға киритишидір. Бу уринишларда тұзатиб бўлмае фожиаларга олиб келини мумкин бўлган, тарих сахифасида қолиб кетгани халифаликни тиклаш ғоясига ҳам зўр берилмоқда. Бугун диний экстремизм ва фундаментализм томонидан Марказий Осиёда олиб борылаётгандай қўпорувчилик ва террористик ҳаракатлар ҳам ана шуцдай мақсад. йўл ва услубларга таянимоқда.

Ўзларини ислом динининг «ҳимоячилари» деб күрсатында уриниётгандай террористларининг астынан чипакам исломий қадриятларни тиклаш әмас, балки ҳокимияттн құлға кири-

тиш, Марказий Осиёдаги мамлакатларни ўзлари танлаган йўлдан қайтариш ва бутун минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатишdir. Аслида, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳакиқий исломий қадриятларимиз тикланди ва бу йўналишда изчилик билан катта ишлар амалга оширилмоқда. Динимизнинг халқимиз маънавиятининг ажralmas қисмига айланганилиги Президентимизнинг қуйидаги фикрларида ўз аксини топган: «Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қилолмаймиз. Диний қадриятлар ҳаётимизга шу қадар сингиб`кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз. Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда».

Хуллас, ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш ниҳоятда мураккаб тус олган. Бу геполитика ва глобаллашув жараёнлари билан қўшилиб, уйғунлашиб кетмоқда. Марказий Осиёда ҳам, унга нисбатан таъсирларда ҳам ана шундай серқирра жараён, хилма-хил хусусият, турлича хатти-харакатлар мавжуд. Буларнинг барчасини англаш, рўй берадиган воқеа-ҳодисаларнинг мағзини чақиши, мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

III боб. ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ ВА МАФКУРАВИЙ МУАММОЛАР

XX асрнинг охирги ўн йили жаҳон харитасини ўзгартириб юборди, сабиқ иттифоқ барҳам топди, мустакил давлатлар шаклланди. Ўтган ўн йил Ўзбекистон учун ҳам кутлуғ келдимамлакатимиз Ислом Каримов раҳбарлигига мустакилликка эришди. Миллий давлатчилик анъаналарини тиклади. Янги Конституция қабул қилинди, жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар содир бўлди, мамлакатимиз ўзига хос ва мос ривожланиш йўли-тараққиётнинг ўзбек моделини амалга оширишга киришди.

Шу билан бирга ўтиш даври — фақат ютуқ ва муваффият эмас, балки ҳаётнинг барча соҳаларида тоталитаризмдан қолган салбий оқибатларга барҳам бериш, фуқаролар онгини ўзгартириш, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳада туб бурилишлар қилиш билан боғлиқ йиллари бўлди.

Тарихдан маълумки, умрини ўтаб бўлган гоя, ақида ёки мафкура тараққиёт нуқтаи назаридан инкор этилиши натижасида гоявий бўшлиқ вужудга келар экан, турли мафкуравий таҳдидлар кучаяди. Шу маънода, Президент Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрлари катта аҳамиятга эга: «Мен кўхна бир ҳақиқатни яна эслатмоқчиман: табиатда бўшлиқ бўлмаганидек, инсоннинг онгу тафаккурида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Ўзбекистоннинг мустакилликка эришганидан кейинги тараққиёти бу фикрни ишқадар тўғри эканини яққол кўрсатади.

Гоявий, мафкуравий таҳдид кучайган жойда аҳоли кенг қатламлари, хусусан, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган уринишлар кучайиб бориши мумкинлиги чукур

аинглаб олинди. Холбуки, бугунги кунда айниқса, дунёнинг турли мамлакатларида жойлашган, катта молиявий ва мафкуравий таъсир кучига эга бўлган баъзи фоявий марказлар истиқлолининг дастлабки йилларидағи вазиятдан фойдаланиб, ўз ёвушиятларини амалга ошириш йўлида кечаю қундуз ҳаракат қиласидилар. Бу масалалар Президентимизнинг «Ўзбекистон XX аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида атрофлича таҳлил қилингандар.

18-чизма.



Мамлакатимиздаги баркарорлик ва мустақилликни мустахкамлашга халақит берувчиларнинг нияти истиқлол йўлидан бораётган Ўзбекистондаги фоявий бўшлиқни ўз фоялари билан тўлдириб, мамлакатимиз ҳудудидаги бекиёс бойликларга эгалик қилиш, ҳалқимизни ўз сиёсати, ўз ҳукмронлигига бўйсундиришишини, энг ёмони, мана шу муҳим геополитик майдонни ўз таъсир доирасига олишдан иборатdir.

Мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимизда эски мафкура асоратларига, курук сафсатабозликка, ҳалқимиз манфаатларига зид бўлган собиқ сиёсий ва мафкуравий тузилмаларга барҳам берилди. Ижтимоий адолат, хавфсизлик, ижтимоий муҳофаза, миллати, дини ва эътиқодидан қатъий назар, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини, қонунининг устуворлигини таъминлашга қаратилган зарур чора-тадбирлар кўрилди. Жамиятдаги соғлом ижтимоий-сиёсий муҳитни бузадиган, одамлар фикрини чалғитадиган ноҳуи ҳолатларга барҳам берилди. Мамлакат ва ҳалқ манфа-

атлари йўлида бирланиши, ҳамжиҳат бўлини, барча имкониятлардан эҳтиросларга берилмай, ақл-идрок билан фойдаланиш йўли тутилди.

19-чизма.

«Биз мавжуд реал ҳаевф-хатарларга жиддий қараймиз. Айни вақтда имкониятларимизни, жозибали жиҳатларимиз ва афзал томонларимизни ҳам биламиз. Бизнинг минерал ҳомашё, инсоний ва ишлаб чиқариш заҳираларимиз ички барқарорлигимизнинг ва ҳалқаро нуфузимизнинг мустаҳкам кафолати бўлиб хизмат қиласди. Мамлакатимиз XXI асрда жаҳон иқтисодиёти, маданияти ва сиёсатида муносаб ўрин олиш учун тарихий имкониятларга эга».

Ислом Каримов



Собик шўролар мафкураси кишинлар оигига ижтимоий тенглиқ, бугунги таъбир билан айтганда, бокимандачилик тушунчасини сингдириб кетган эди. Бундай қайфият одамнинг ташаббусига йўл бермас эди. Чунки инсон ўз меҳнат маҳсулидан манфаатдор бўлмаса, унда ҳалол ишлаш, масъулият туйғуси йўқолади. Бундай иллатдан эса миллий истиқдол мафкураси воситасида ҳалос бўлиш мумкин. Бугунги кунида мамлакатимизга қарши қаратилган мафкуравий таҳдидларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсаддага мувофиқдир. Улар қўйидагилардан иборат:

- ислом халифалигини тиклаб, унинг байроби остида мусулмон халқларни янги имнерияга бирлаштиришга қаратилган интилишлар;
- ёш мустакил давлатларни қайтадан собик Иттифоқка бирлаштириш фояси;
- тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринишлар;
- ахлоқсизликни ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга қаратилган интилишлар;
- турли мағкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можаролар келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар.

Истиқлол мағкураси ижтимоий тараккиёт ривожига қараб тақомиллашиб, янгиланиб боради. Давр талаби билан ўртага ташланган муайян қоидалар ўз вазифасини ўтаб бўлиб, ўрнини янада долзарброқ бошқа хусусиятларга бўшатиб беради. Миллий истиқлол фояси айни ана шундай доимий янгиланиш маҳсули, онг ва тафаккур ҳосиласи ҳисобланади.

Бугунги кунда ёшлар қалбида она-Ватанимизга, бой тарихимизга, миллий қадриятларимизга, миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилимизга, ота-боболаримиздан мерос муқаддас динга соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, уларнинг мағкуравий иммунитетини шакллантиришимиз мақсадга мувофиқдир. Зеро, юртбошимиз айтгапларидек, бирор бир қасалликни даволашдан олдин инсон организмида аввало унга карши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам ёшларимиз қалби ва онгида зарарли фояларга карши мағкуравий иммунитетни шакллантира олсак, турли хил «даъватчи»ларнинг алдовларига учмайдиган, ўз юрти, Ватани ва халқи учун фидойи инсонларни тарбиялай олишимиз мумкин..

Миллий истиқлол фоясининг ҳаётбахшлиги тараққиётнинг ўзбек моделини амалга оширишда яққол намоён бўлади. Ўзбекистон – улкан имкониятлар мамлакати. Бу заминда табиий бойликлар, ушумдор ер, кудратли иқтисодий ва илмий-техникикавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими, бу диёрда меҳнатсевар ва истеъододли халқ яшайди. Ўзбекис-

тои — ўзига хос мустакил тараққиёт йўлини танлаб олган давлат. Бу йўл жаҳонда ўзбек модели деб тан олингани ривожланиш йўлидир. Унинг рационал мағзи жамиятни инқилобий тарзда эмас, балки эволюцион — тадрижий равишда ислоҳ этишини назарда тутади.

Ўзбек моделининг асосчиси Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган тараққиёт йўлиниң кўпчилик бошқа миллий моделлардан фарқ қиласиган хусусияти шундаки, у фақат иқтисодий ривожланиш эмас, балки кең маънодаги миллий тикланиш ва ижтимоий тараққиёт моделидир. Шу сабабдан у иқтисодиёт билан бир қаторда давлат қурилиши, ижтимоий соҳа ва маънавиятни, жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади.

20-чизма.

Тараққиётининг ўзбек модели жамиятни инқилобий тарзда эмас, балки эволюцион-тадрижий равишда ислоҳ этишадир.

Жамиятни ислоҳ этишининг беш тамоили:

1. Иқтисодиётининг сиёсатдан устулиги.
2. Давлат – бош ислохотчи.
3. Қонуннинг устуворлиги.
4. Кучли иқтисодий сиёсат.
5. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.

Ўзбек модели тушунчаси, аввало, Ўзбекистоннинг мустакил миллий тараққиёти қандай бўлиши лозимлигини асослайдиган, уни муайян мақсадларга йўналтирадиган энг умумий назарий холосалар ва мўлжаллар билан давлатнинг белгиланган мақсадларга эришишга қаратилсан амалий сиёсатининг муштараклигини англатади (давлат сиёсати деганда ҳокимиятнинг хар учала бўғини фаолияти назарда тутилмоқда).

Хўш, ўзбек моделининг асосий устувор хусусиятлари нималардан иборат? Ўзбекистон мустакилликка эришгач, нафакат иқтисодий тараққиёт масалаларини, балки миллий давлатчилик асосларини, миллий қадриятларини, халқнинг ўзлиги ва ғурурини қайта тиклаши, ривожлантириши, жамиятнинг

ижтимоий-синфий тузилмасини тубдан янгилаши ва мустақиллик foяларини амалга ошириш учун мутлақо янгича фикрлаб, янгича иш юритадиган кадрларни тарбиялаш каби масалаларни ҳам ҳал этиши лозим эди.

21-чизма.



Шундай қилиб, ўзбек модели иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш билан бирга, давлат қурилиши, жамиятни демократиялаштириш, мулкдорлар синфини ва хусусан, ўрта синфи шакллантириш, ижтимоий-синфи тузилмани такомиллаштириш ва кадрлар тайёрлаш, маданий мерос ва маънавият билан боғлиқ жиҳатлари сингари бир қатор кенг қамровли ҳаёт соҳаларини қамраб олади. Бу унинг ўзига хос устувор хусусиятларидан биридир.

Мустақиллик йилларида шаклланиш йўлига кирган миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг асрий анъана ва қадриятларини, миллий ўзлигимизни ўзида мужассамлаштириб,


уларни умуминсоний қадриятлар, дунё цивилизацияси ютуклари ҳамда илфор, таракқийпарвар ғоялар билан бойитиб, мамлакатимиз ўз олдига кўйган эзгу мақсад ва вазифаларни аник-равшан акс эттиради. Унинг воситасида ҳар бир ватандошимиз биз қандай жамият, қандай давлат, қандай тузум барпо этмоқдамиз, унинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий-маянвий асослари нималардан иборат, деган саволларга жавоб топа олади.

Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз, деган масала Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида айниқса ўзининг тугал ва мукаммал ифодасини топди. Унда курилажак янги жамиятнинг илмий-фалсафий концепцияси, жамият ҳаётини тубдан ислоҳ этишнинг навбатдаги стратегик вазифалари асослаб берилган. Ана шу масалаларни бажариш миллий истиқлол ғоясининг пировард мақсадларини белгилайди ва бу мақсадларга етишга хизмат килади.

Бизнинг бош стратегик мақсадимиз — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, бозор иктиносидиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Бозор иктиносидиёти, энг аввало, кўпмулкчиликка ва улар ўртасидаги рақобатга таянади. Унда мулкнинг барча қонуний шакллари тенг ҳукуқка эга бўлиб, бу ҳукуқ давлат томонидан кафолатланади.

22-чизма.

Иктиносодий соҳадаги вазифалари



Кўпмулкчиликка асосланган бозор иқтисодиётини жорий қилиш орқали юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун миллати, тили ва динидан қатъий назар, муносиб ҳёт шароти яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби` кафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш— давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини ифодалайди.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш ва уларни амалда жорий қилишининг тайёр андозаси йўқ. Бизнинг мамлакатимиз иқтисодиётининг таркибий тузилиши, қазилма бойликлари ва иклим шароити, табиий ресурслари, халқимизнинг менталитети, аҳоли таркиби ва ўсиши бирор мамлакатникига айнан ўхшамайди. Бошқа давлатларда яхшигина самара берадиган тараққиёт модели бизда ҳеч қандай натижа бермаслиги мумкин эди. Таилаб олинган бу йўл ҳамда унга хос миллий истиқлол гоясининг стратегик мақсадлари жамият ҳаётининг иқтисодий соҳасидаги жараёнларни ўзида акс эттиради. Ватан равиаки, юрт тиҷчилиги ва халқ фаровонлигини мустаҳкамлаш истаги — умумий тақдир ва келажак, Ўзбекистонда яшайдиган барча фуқароларнинг ижтимоий тараққиётини таъминлашни назарда тутади. Бу соҳада ҳам ҳаётни янада юксак погонага кўтарилишга даъват этади. Бугунги ҳаётий, зарурат ана шуни тақозо этмоқда. Хар бир кишининг фаровонлиги-халқ фаровонлигидир, фаолиятнинг асосидир.


Мамлакатимизда биз барпо этилаётган жамиятнинг инсоний негизини кўп мулкчиликка таянган, ижтимоий йўналтирилган, ички мувозанатга эришган моддий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Жамиятимиз ижтимоий муносабатлар характеристига, давлат ва ижтимоий институтлар жамоат ташкилотларининг ўзаро таъсирига кўра, фуқаролик мамлакатига айланмоқда. Унда ижтимоий гурухлар, қатламлар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик, барча миллатлар ва элатлараро ўртасида тинч-тотувлик, умуммиллий муштараклик янада мустаҳкамланмоқда.

Ижтимоий тараққиётта интилаётган, сиёсий ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш йўлидан бораётган ҳар қандай жамият ҳуқукий маданияти юксак, озод ва эркин шахсни тарбиялашга интилади. Зеро, шундагина демократия, фикр ва вижидон эркинлиги, плюрализм ва инсон ҳуқукларини таъминлаш, гуманизм ва умуминсоний қадриятларга амал қилиб яшаш тамойили жамият ҳаётининг асосий мезонига айланади. Чунки демократиянинг ижодкори, амалга оширувчиси, ривожлантирувчиси — инсондир. Демократия — факат ҳалқ ҳокимияти бўлиб қолмай, у айни пайтда ҳар бир инсон, ҳар бир жамоа ва бутун ҳалқнинг ўз мамлакати келажаги, ўз тақдири олдидаги масъулияти ҳамdir.

23-чизма.

Ижтимоий соҳадаги вазифалар



Ўз навбатида демократия, сиёсий ҳаётни эркинлаштириш орқали фуқаролардан ўз манфаатларини давлат ва жамият манбаати билан уйғулаштиришни, юксак сиёсий маданиятга эга бўлишни талаб қиласди.

Партияларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, энг аввало, парламент ишида ўз вакиллари орқали иштирок этувчи партияларнинг демократик конунлар қабул қилиш ва уларни ҳаётта татбиқ этиш борасида фаоллик кўрсатиши, парламент орқали ижроия ҳокимият фаолиятини назорат қилиб бориши тури манфаатлар, кучлар ўртасидаги мувозанатни вужудга келтирувчи асосий омилдир.

Нодавлат, жамоат ташкилотларининг кўпайиши, уларнинг кундалик ҳаётимиздаги аҳамияти ортиб бораётгани фуқаролик жамияти асослари тобора мустаҳкамланиб, ривожланаётганидан далолат беради. Айнан шундай ташкилотларининг фаоллиги ва масъулиятининг органи, фуқароларнинг онги ва тасаввурида, кундалик ҳаётида улар тобора кўпроқ иштирок этаётгани «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» концепциясини ҳаётга татбиқ этишининг муҳим шарти ва шаклидир. «Кучли жамият» тушунчасининг моҳияти шундан иборатки, ҳалк жамоат ташкилотлари орқали давлат идоралари фаолиятини назорат қилади, уларнинг ўз вазифалари ва жамият олдидаги бурчларини тўғри ва самарали бажаришига таъсир кўрсатади.

24-чиизма.

Сиёсий соҳадаги вазифалар

Жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш

1. Сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириши, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириши

2. Турли қатлам, миллат, дин вакиллари ўртасидаги уйғунликни таъминлаш, сиёсий ҳаётда кўппартияйлик тамоилини янада мустаҳкамлаш

3. Демократик институтларнинг фаолият кўрсатилиши учун кенг шароит яратиши, ҳокимият тизимлари бўлиншишининг конституциявий тамоилига қатъий амал қилиши

4. Маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарии органлари фаолият доирасини кенгайтиши, «кучли давлатдан-кучли жамият сари» концепциясини ҳаётга жорий қилиши

5. Ватанга, она заминимизга садоқатли, чуқур билимли ва юксак макалари кадрларни тарбиялаш

Янги жамиятни барпо этиш жараёнида, энг аввало, маънавий қадриятларни тўғри баҳолай олишни, сохта қадриятлар-

дан ёки тарихан эскиргаң, ўзидаги бүнёдкорлик ва ижобий салоҳиятни сарфлаб бўлган қадриятлардан ҳакикий ҳаётбахш қадриятни ажрата олишиň ўрганиш лозим. Бирор бир қадриятга баҳо берилар экан, унинг мамлакатимиз мустақил тараққиётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, эътиқодий ва ахлоқий асосларини қай даражада мустаҳкамлай олиши, ҳалқимизнинг умумжаҳон ижтимоий тараққиётининг фаол субъектига айланишига хизмат қила олиши бош мезон бўлиши керак.

25-чизма.

Маънавий соҳадаги вазифалар

Маънавий қадриятларни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиш. Дин ва тарихни сохталаштиришига, улардан сиёсий мақсадда фойдаланишига йўл қўймаслик

1. Юртдошларимизни маънавий янгиланиши ва ислоҳотлар жараёнининг фаол шитирокчисига айлантириши

2. Куч ва салоҳиятни ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тутуввлик, диний бағрикенгликка хизмат қилдириши

3. Ижтимоий қатлам, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг интилишиларини ўйгунаштирувчи гоялар – Ватан равнақи, юрт тинчлиги, ҳалқ фаронлигини юртдошларимиз мақсадига айланнишига эришиши

4. Кадрлар тайёрлаши миллий дастурини амалга ошириш, таълим-тарбия тизимини тақомиллаштириши

5. Миллий қадриятлар, тил, маданият, диний эътиқод, урф-одат ва анъаналарни ҳурмат қилиши

Миллий қадриятларга, жумладан маданий меросга илмий асосда тӯғри ёндошишнинг асосий тамойилларига хос мезонлар – инсонпарварлик, ватанпарварлик, ҳалқчиллик ва тараққийпарварликдир. Бу мезопларнинг ҳар бирида миллийлик ва умуминсонийлик мужассамлашган. Улар моҳияттан умуминсоний характерга эга бўлса-да, ҳар бир тарихий даврда муай-

яп халқларнинг эҳтиёжларни юзага чиқаради ва уларни қондиришга хизмат қилади. Шу боис уларнинг замирида мужассам бўлган умуминсонийлик моҳияти, миллий эҳтиёжларни муайян миллий шаклда ифодалаб ва ўз мазмунини уларга мослаштирган ҳолда юзага чиқади. Мазкур мезонларга нафакат миллийлик ва умуминсонийлик, балки тарихийлик ҳам хос. Яъни улар шаклан ва мазмунан қотиб қолган андозалар ҳолида эмас, балки давр таълабларига, жамият олдида турган янги вазифаларга мутапосиб тарзда бойиб, такомиллашиб боради.

Миллий истиқлол ғояси бутун жамият, бутун миллат, бутун ўзбекистонликлар учун хизмат қилади. Миллий қадриятларимизни баҳолаганда, уларнинг миллий ғояга нечоғлик мос эканини назарда тутамиз. Лекин биз баҳолаш жараёнида фаяқат алоҳида бир инсон, муайян ижтимоий гурух манфаатини эмас, балки умуминсоний жамиятимиз, барча ўзбекистонликлар манфаатини назарда тутамиз. Шу боис, юкорида зикр этилган мезон ва тамоилилардан фойдаланиб, Ўзбекистонимизни жаҳондаги энг илғор давлатлар қаторига қўшишга ҳаракат қилинмоқда. Бу мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини, унинг келажагини белгилайди.

26-чизма.



Мустақилликни мустаҳкамлаш мураккаб жараёнидир. Бунда эски ғоя ва мафкура таназзулга юз тутиб, умрини ўтаб бўлади ва ўтмишга айланди. Собик иттифоқ мафкураси ана шундай ҳолга тушди. Унинг асосий ғоялари собик шўролар хокимияти раҳбарлигига зўрлик билан амалга оширилди. На-

тижада бу мафкура якка ҳукмрои бўлиб қолган эди. У XX асрнинг 80-йилларида таназзулга юз тутди. 1991 йилда собик Иттифоқ тарқалиб кетиши билан узил-кесил инқирозга учради. Аммо ғоявий бўшлиқ пайдо бўлди.

Ғоявий бўшлиқ эски тузумдан янги тузумга ўтиш жараёнида олдин ҳукмронлик қилиб келган мафкура ўтмишга айлангач, тараккиёт талабларига мос равишда унинг ўрнини босадиган илгор ғоявий тизимнинг ҳали шаклланиб улгурмаган холатидир. 1990 йилларнинг бошларида бундай мафкуравий бўшлиқ Ўзбекистон худудида ҳам намоён бўлганлиги, айrim юртдошларимиз нима учун заарли ғоя ва ёт мафкуралар таъсирига тушиб қолганининг сабаблари Президент Ислом Каримов асарларида тўла-тўқис очиб берилган. Бу асарлардан масаланинг мазмун-моҳиятини чуқур ва атрофлича ўрганиш зарур.

Аввало собик мустабид мафкура барбод бўлганидан кейинги дастлабки йилларда миллий ғоя, истиқлол мафкураси тўлиқ шаклланиб, одамларнинг қалби ва онгига сингиб улгурмаган эди. Натижада эътиқоди бўш, содда ва ишонувчан одамлар билиб-бilmай, нотўғри йўлларга тушиб қолдилар.

Иккинчидан, мустақил Ўзбекистон эски тузумдан янги тузумга ўтиш жараёнида бир қатор табиий қийинчиликларга дуч келди. Бундай пайтда сабр-қаноатга ўрганмаган, енгил йўл билан яшашга кўниккан айrim кишилар маълум қийинчиликларга дуч келгач, ўз турмуш тарзини янгилаш учун осон йўл ахтаради, аксарият ҳолларда адашиб, нотўғри йўлларга кириб колади.

Учинчидан, ёшларнинг ҳаммасини ҳам сердаромад иш билан таъминлаш имкони йўқ. Бунинг натижасида ҳам осон йўл ахтариб нотўғри, ёмон, салбий харакатларга қўшилиб кетиши мумкин.

Тўртинчидан, заарли ва ёт мафкура вакиллари халқимиз, айниқса, фарзандларимизнинг кўнгли очик, соддадил, ишонувчан, диний қадриятларга интилиш туйғусидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилди. Бундай шароитда айrim соддадил одамлар диннинг асл моҳияти билан диний никобда-

ги экстремизмни ажрата олмай қолди ва натижада вахҳобийлик, ҳизбут-тахрир каби турли зарарлы ғоя ва оқимлар таъсирiga тушиб қолдилар.

27-чизма.

Тарихий конуникат: бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш даврида ижтимоий, иқтисодий сиёсий соҳалар билан бирга ғоявий-мафкуравий соҳада ҳам муайян муаммоларни ҳал этиш, тараққиётнинг бу борадаги тамойилларини амалга ошириш заруритияти юзага келади.



Бешинчидан, собик тузум даврида кўплаб ташкилотлар зўрлик орқали, мажбурий бўлсада, мунтазам тарбибот-ташвиқот олиб борар эди. Лекин мустақиллик даврида уларнииг ўрни муайян даражада бўшаб қолди ва бу вазифани дастлаб ҳеч қайси ташкилот бажармади. Кейинчалик ташкил этилган. «Маъниавият ва маърифат» кенгаши бу соҳада етарли даражада самарали фаолият юритолмади. Натижада ҳар бир фуқаро имкони борича ўз дунёқарашини ўзи мустақил шакллантириши зарур бўлиб қолди.

Қолаверса, давлат ва подавлат ташкилотлари, сиёсий партияларнинг мафкуравий соҳада етарли иш олиб бормагани, иж-

тимоий фанларнинг ҳаёт талабларидан орқада қолгани, жамият руҳияти ва тафаккурида рўй бераётган мураккаб жараёнлар ўз вақтида илмий ечимини топмагани ҳам бунга сабаб бўлди.

Ана шуларнинг барчаси бу соҳада амалга ошириш лозим бўлган фаолиятнинг ниҳоятда серкирралифи, вазифаларнинг долзарбилигидан далолат беради. Мамлакатимизда барпо этилаётган жамият, тараққиётнинг ўзбек моделини амалга ошириш истиқболлари ҳам кўп жиҳатдан ана шу вазифаларни қай даражада бажарилишига боғлик. Бу эса ҳар бир кишига улкан масъулият юклайди, ҳар бир юртдошларимизни огоҳ ва фаол бўлишига ундайди.

IV боб. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ФОЯСИ

Ўзбекистон халқи XX аср сўнгига ўз мустақиллигини қўлга киритди. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида миллий давлатчилик асослари қайта тикланди. Жамият иктиносидий-ижтимоий тараққиётининг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Барпо этаётган жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, келажагимизни ўзимизга яққол тасаввур этиш, фоявий бўшлиқ ғайдо бўлишига йўл қўймаслик, ёт мафкуралар тажовузига қарши тура оладиган баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати миллий истиқлол мафкурасини яратишни тақозо этди. Бу мафкура дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб бораётган мамлакатимиз халқининг истиқлол йилларидаги тажрибалари, босиб ўтган мурракаб ва шонли йўли, миллий тафаккури ва маънавиятдаги юксалишларнинг мантикий натижаси, халқ иродасининг муҗассам ифодаси сифатида шаклланди.

«Истиқлол мафкураси кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг эзгу фоя – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу – интилишлари, хаётий идеаллари ни ўзида акс эттиради. Бу мафкура халқни халқ, миллатни миллат этадиган, унинг шаъну-шарафи, ор-номуси, ишонч-эътиқодини ифодалайдиган, жамиятимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш туб манфаатларига таянган ҳолда муттасил ривожланиб, такомиллашиб борадиган фоялар тизимиdir»¹

Миллий истиқлол фоясининг тарихий илдизлари — халқимизнинг мозий синовларидан ўтиб келаётган бой маданий ва

¹ Ислом Каримов. Сўз боши // Миллий истиқлол фояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т: Ўзбекистон, 2000, 6-бет.

маънавий мероси, миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари, қўшиқлари, байрам ва маросимларидаги озодлик, эркинилк учун кураш руҳи, ота-боболаримизнинг мустақиллик йўлида кўрсатган жасорати, бунёдкорлик ишлари ҳамда уларни амалга оширишда маънавий рух берган тафаккур тарзида намоён бўлади. У асрлар мобайнида йиллар синовига дош бериб, сайқалланиб, такомиллашиб келган. Бу тафаккурнинг марказида инсоннинг улуғлиги ва мўътабарлиги foяси ётади. Чунки, мамлакатнинг ҳаёти, фаровонлиги меҳнаткаш инсонларнинг фаолиятига боғлиқ.

28-чизма.



Миллий истиқлол гоясининг тарихийлик тамойили халқимиз руҳини, даҳосини акс эттирувчи ўлмас қадриятлар билан узвий боғлиқдир. Хусусан, буюк аждодимиз, соҳибқирон Амир Темурнинг соғлом маънавият маҳсули бўлган «Куч —adolat-dadir» деган шиори миллий гоясининг таркибий қисмига айланниб кетган. У мамлакат бирлигини таъминлаш, марказлашган давлат барпо этишда, айниқса, уни одиллик билан бошқаришда маънавий-мафкуравий асос бўлиб хизмат қилган.

Бундан неча асрлар аввали яратилиб, ҳозирга қадар юртимиз кўркига-кўрк бағишлиб келаётган қадимий обидалар, осори атиқалар халқимизнинг юксак салоҳияти, куч-кудрати, бунёдкорлик анъаналаридаи далолат бўлиб қолмоқда. Улар Ватанимизниң шонли тарихи тўғрисида якқол тасаввур ва тушунчалар беради, шу муқаддас диёрда яшайдиган ҳар бир инсон қалбида ғуур-ифтихор туйғуларини уйғотади. «Бугун бизниң олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, – деб ёзади Ислом Каримов, – биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллӣ давлатчилигимиз илдизларига қайтиб, ўтмишилиздаги бой анъаналарни янги жамият курилишига тадбик этмоғимиз керак»¹. Бу вазифа эса тарихий хотирани тиклаш эвазига амалга ошиди.

Миллӣ истиқлол ғояси чукур фалсафий асосларга эга. Бунда бир томондан, жаҳон фалсафасидаги умумисоний қадриятлар, иккинчидан, Шарқ фалсафаси ва маданияти, учинчидан эса, юртимизда ўтган аллома боболаримизнинг фалсафий мероси ўз ўрнига эга. Ана шу асосда яратилган ғоя ва мағқура шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига, онгига сингмоғи, ҳақиқий иймонга айланиши лозим.


Мухтасар қилиб айтганда, миллӣ мағкурамизнинг фалсафий илдизлари деганда аждодларимизнинг фалсафий тафаккур тарзи, амалий фаолияти, бунёдкорлик ишлари, жаҳон халклари фалсафаси, урф-одатлари, қадриятлари, ҳозирги замондаги фалсафий қарааш ва таълимотлар, Президент Ислом Каримов асарларидағи фикр ва хуносалар тушунилади.

Истиқлол мағкураси — ҳар бир кишининг жамият ҳаётидаги фаолияти, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдидағи бурч ва масъулиятини қай даражада хис этаётгани ва бажараётганини белгилайдиган маънавий мезон ҳамдир.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг спёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамоилилари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинининг биринчи сессиясидаги маъруза. 1995 йил, 23 февраль.

29-чизма.

Миллий истиқлол гоясининг фалсафий асослари



Миллий истиқлол мафкурасининг юртимизда яшовчи ҳар бир фуқаро учун қадрлилiği шундаки, унинг моҳиятида умумисоний тамойиллар ётади.

«Миллий истиқлол мафкураси:

–Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умумисоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади». Бинобарин, у қонунийликка, умумэътироф этилган табалларга, умумисоний тамойилларга зид келмайди;

–халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидаи озиқланади. Бу миллий мафкурамизнинг тарихий ва маънавий асосга эга эканидан далолат беради;

–адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик фоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради. Биламизки, бу улуғ ғоялар истиқлол сари интилган ҳар бир халқнинг эзгу мақсади. ишонч ва эътиқоди бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади;

–ватаан равнақи юрт тинчлиги ва халқ фаровошлигини таъминлашга хизмат қиласди. Бу тамойил унинг жамият аъзоларини аниқ мақсад сари йўналтирувчи, уюштирувчи моҳиятга эга эканини ифодалайди.


—жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади. Бу олижаноб максадларга эришиш фуқароларнинг ҳамжиҳатлигига, ўзимизнинг бурчимизни қай даражада англашимизга, эртанги кунга бўлган ишончимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

—миллати ва динидан қатъи назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради. Бу қоида Ватанинг муқаддаслигини ҳар бир фуқаро онгига сингдиришга хизмат қиласди.

— жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждан эркинилиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдирилади. Бу миллий истиқлол ғоясининг фикрлар ранг-баранглиги, эътиқод эркинилиги каби демократик тамойилларига амал қилган ҳолда ҳаётга жорий этилишидан далолат беради.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойиллари эса куйидагиларда намоёни бўлади:

30-чизма.



— мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлар дахлсизлигини таъминлашда ёрдам бериш;

— қонуннинг устуворлиги, демократия ва ўз-ўзини бошқаришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллаётганига асосланганлик;

— миллий ва умумисоний қадриятларнинг уйғунлигига таяниш;

— халқаро ҳуқук қоидалариға мос келиши;

— давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги ва мамлакатда ижтимоий ғарбкорликнинг таъминланганлиги, ўтиш даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлиги, жамият ҳаёти барча соҳаларининг эркинлашуви, ислоҳотларнинг тадрижийлиги тамойилларга хизмат қиласи.

31-чизма.



Истиқлол мағкураси қўйидаги умумбашарий қадриятларни эътироф этади ва улардан озиқланади:


- қонун устуворлиги;
- инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикарлилик;
- турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар билан баҳамжихат яшаш;
- диний бағрикенглик;
- дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик;
- ўзга халқларининг илғор тажрибалари ва маданийини ўрганиш ва ҳоказо.

Миллий истиқлол мафкураси кенг халқ оммасининг манфаатларини, мақсад ва идеалларини ифода этади. «Миллий истиқлол мафкураси, ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий таракқиётига хизмат қиласи, барча сиёсий партиялар, гурӯҳ ва қатламларнинг — бутун халқимизниг умумий манфаатларини ифодалайди».

32-чизма

Миллий истиқлол мафкураси ҳар бир ватандошимизнинг оиласи, жамият, эл-юрт олдидағи бурч ва масъулиятини қай даражада адо этаётганини белгилайдиган мавнавий мезонидир. Бу – Ўзбекистонда истиқомат қиласидиган ва ўз тақдирини шу муққадас замин билан боғлаган ҳар бир кишининг «Ватан менга нима берди» деб эмас, балки «Мен Ватаним равнақи учун нима қиласапман» деган масъулият туйгуси билан яшаши демакдир.

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг қўйидаги умумий манфаатларини ифодалайди




Манфаатлар нималардан иборат? Улар, аввало, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигининг сақланиши, чегараларимизнинг бутунилиги ва даҳлсизлиги. Буни юртимизнинг фазо ва вақтдаги яхлитлигини таъминловчи манфаат деб

атап мүмкнүү. Иккинчидан, юрттиниг тиңчлігі ва осойишталыгы, янын давлатимизниң харбий, иқтисодий (энергетик), экологик, информациоң ва ғоявий таҳдидлардан муҳофазаланғанлыгы. Бу юрттиниг барқарорлигини таъминлаш борасидаги әнд мухим омилларданың. Учинчидан, мамлакатда фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлык мұхитиниң таъминлаш. Бу жамияттегі ижтимоий пойдеворини мустаҳкамтандыра хизмат көладиган манфааттың. Түртінчидан, хар бир оила ва бутун қалқыннан фаровоилигини таъминлаш, янын бағавлатлық манфаатты. Бу манфаат фуқароларнан жағиятта миңлік даромадта әгалік қилиш, уни күпайтириштегі имкониятлары орқали рүёбга чыкади. Бешинчидан, жамиятта адолат үстүнлігі, демократия, үз-үзиниң бошқариш тамои́иллары амал қилишинин таъминланиши. Бу манфаат инсон ҳаётининг ҳуқуқиң жиһатдан кағолатланишини ифодалайды.

33-чизма

Истиқбол мағкурасы том маңнодагы миңлік мағкура сифатыда қуйыдагы талабларга жавоб береди:



«Миңлік истиқбол мағкурасы турлы сиёсий партия ва ижтимоий түрүхлар мағкурасидан устуң туралдиган социал фено-

мен — ижтимоий ҳодисадир. Бу мафкурада бирон-бир дунё-қараш мутлаклаштирилмайди ёки у мавжуд сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида сиёсий қуролга айлантирилмайди». Балки, у ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қиласди, барча сиёсий партиялар, миллат ва қавмлар, гурух ва қатламларнинг юқорида қайд этилган умумий манфаатларини ифодалайди.

34-чиизма



Мафкурамиз том маънодаги миллий мафкурага айланиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган тушунча ва туйғулар, гўзал ва ҳаётий ғоялар тизимини ўзида мужассам этиш, яъни бу мафкура ҳар бир фуқаронинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришга имкон берадиган энг мақбул йўлни кўрсата олиши;

- миллат, халқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч-эътиқод манбаи бўлиши, яъни у том маънода сўз билан ишни, назария билан ҳаётни бирлаштира олиши, Ўзбе-


кистонда яшовчи барча халқ, миллат, элат, ижтимоий қатлам ва дин вакилларига бирдай тааллукли бўлиши;

- ҳар қандай илғор ғояни ўзига сингдириши ва ҳар қандай ёвуз ғояга карши жавоб бера олиши, яъни иккюзламачиликдан ҳоли ва жамоатчиликнинг объектив фикрига таянувчи мафкура бўлиши;

— замон ва давр ўзгаришларига қараб, ўзи ифодалайдиган манфаат, мақсад-муддаоларни амалга оширишнинг янги-янги воситаларини тавсия эта олиши, яъни янгича вазиятга тез мослаша оладиган ҳозиржавоб ва ижодий бўлиши.

Ҳар қандай мафкура сингари миллий истиқлол мафкураси ҳам ўзига хос амал қилиш тамойилларига эга. Бу тамойиллар, умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунилиги, халқаро андоза ва талабларга мослик, халқнинг барча қатламлари мақсад-муддаларини ўзида ифода этиш билан тавсифланади. Улар бир-бирини тақозо этади, ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликда намоён бўлади.


35-чизма.



Миллий истиқлолнинг асосий ғоялари халқимиз мустақил таракқиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқади. Ўзбекистон халқининг миллий таракқиёт йўлидаги бош ғояси — мустақилликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишdir. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари ўзининг маъни-моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан бош ғояни халқимизнинг қалби ва онгига янада чукурроқ сингдиришга хизмат қиласи.

36-чиңма.


Ватан ревнаки



Ватан равнақи. Ватан — ипсоннинг кишилик қони түкилган мұқаддас замин, уни камолот сари етакловчи, ҳаётига маъпомазмун бахш этувчи табаррук маскандир. У аждодлардан авладларга қоладиган энг буюк, бебаҳо мерос, энг азиз хотира. Ватан — ота-боболаримизнинг хоки поклари жо бўлган, вакти-соати етиб ҳар биримиз бош қўядиган мұқаддас замин.

Ватан — бу ҳалқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги. Ҳалқимиз Ватан остоидан бошланади, деб бежиз айтмаган. Киши улғайган сари унинг Ватан ҳақидаги тушунчаси ҳам кеңгая бошлайди, аста-секин остоиди, уй, маҳалла, қишлоқ, шаҳар, туман, вилоят, ва ниҳоят, мамлакат даражасига кўтарилади. Тушунча ва кечинималар нуктаи назаридан эса ватанпарварлик тарихий тараққиёт жараёнида пайдо бўлиб, ташки мухит ва даврлар таъсирида шаклланган ва ўзгариб келган ижтимоий-рухий туйғудир.


37-чизма.



Юрт тинчлиги — баркарор тараққиёт гарови, бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Башарият ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинчлик-тотувликка интилиб келган. Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласи умумбашарий муаммодир. Инсоният тараққиётининг асосий масалалари тинчлик-тотувлик ҳолатидагина самарали ҳал этилган. Тинчликни сақлаш муаммосини ўз-ўзидан кишиларнинг ҳоҳиш-истаги, орзу-умидлари билан ҳал қилиб бўлмайди. Инсоният учун мұқаддас бу қадриятга доимо изчил ва катъий ҳаракатлар туфайлигина эришилади.

Халқ фаровонлиги — мамлакатимизда амалга оширилаётгандык истроҳотларнинг олий мақсади – халқимизга муносаб турмуш шароити яратишдан иборат. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг иқтисодий асоси – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётидир. Бугунги дунёдаги кўп мамлакатлар айнан шу йўл билан тараққий этиб, ўз халқининг фаровонлигини таъминлашда ўрнак бўлмоқда. Ўзбекистон ҳам худди шундай оқилона йўлни танлади. Бугун юртимизда амалга оширилаётган истроҳотлар шунчаки истроҳот учун эмас, айнан инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилади. Жамиятимизда амалга оширилаётган ҳар қандай янгиланиш, ўзгаришнинг моҳиятида ана шундай эзгу мақсад ётгани барчамизга файрат-шижоат бахш этади.

38-чизма.



Комил инсон ғояси – ҳам миллий, ҳам умумбашарий мөҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний мукаммалликни ўзида мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир. Бу ғоя нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат соҳасида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларии вояга етказиш ҳакида қайғурмаган

халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ ва миллат таназзулга маҳкум.

39-чизма.




40-чизма.



Ижтимоий ҳамкорлик – муроса фалсафаси бўлиб, хилма хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги

хамжихатлигини таъминлайди. Натижада жамиятда тинчлик ва тотувликинг, барқарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолати вужудга келади. Албатта, бундай даражага эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Турли ғояларни байроқ қилиб олган кучларни бир мақсад йўлида бирлаштириш ғоят мушқул. Лекин Ватан равнаки, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги шунга эришиши тақозо этади.

41-чизма.



Миллатлараро тотувлик — умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истикомат қиласидан минтака ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қиласи.

Шу билан бирга, бир мамлакат доирасида миллий манфатларни тенг қондириш, улар ривожини таъминлаш жуда мураккаб масала эканини ҳам англамоғимиз даркор. Миллатлараро тотувлик ғояси ана шу масалани тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. Бу ғоя — бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётгани турли миллат ва элатларга мансуб қишилар ўтасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжихатликнинг маънавий асосидир. Бу ғоя — ҳар бир миллат вакилининг истеъоди ва салоҳиятини тўла рӯёбга чиқариш учун шароит яратади ва уни Ватан равнаки, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади.

Диний бағрикенглик – хилма-хил диний әътиқоддағы әтап-бүлгелердің бир заманы, бир Ватанды, олижаноб ғоя ва инятлар йүлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини аинглатади.

42-чизма.



Ватанимизда турли динлар ва дин вакиллари ўртасида умум-башарий қадриятлар асосида биродарликни мустаҳкамлашга муҳим әътибор берилмоқда. Ҳозирги күнде мамлакатимизда ўндаң зиёд конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Уларниң ўз фаолиятипи амалга ошириши ва мамлакат ҳаётидаги фаол иштирок этиши учун ҳамма шартшароитлар яратилган. Бу борадаги ҳукукий асослар Ўзбекистон Конституциясида, «Виждан әркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ги қонуниң ўз ифодасини топгани. Ана шу асослар мамлакатимиздаги барча дин вакилларининг ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб, миллий истиқлол мағкурасининг бош ғояси — ҳалқимизниң озод ва обод Ватан, әркни ва фаровон ҳаёт барни этиши орзусини амалга ошириши учун мустаҳкам таяич бўлиб хизмат қилади.


Мафкуранинг амалий йўналиш ва мақсадлари бўлиши табиий. Чунки, ҳар қандай мафкура ўз олдига муайян мақсадларни қўяди. Бу мақсадлар пировард натижага эришишнинг йўллари, восита ва усусларини белгилайди. Мафкуранинг асосий мақсадлари куйидағилардан иборат:

- одамларни муайян ғояга ишонтириш;
- шу ғоя атрофида уюштириш;
- ғояни амалга ошириш учун сафарбар этиш;
- кишиларни маънавий-рухий жиҳатдан рағбатлантириш;
- ғоявий тарбиялаш;
- ғоявий иммунитетни шакллантириш;
- ҳаракат дастури бўлиш.

Ўзбекистон ўзининг интеллектуал салоҳияти, қадимий маданияти билан дунёвий тараққиёт йўлига кирди. Бундай йўлдан бораётган илгор мамлакатлар босқинчилик урушлари, мустамлакачилик, ирқчилик, терроризм ва зўравонликнинг ҳар қандай кўринишини кескин қоралайди. Зеро, жамиятни курол кучи билан, зўравонлик билан эмас, балки, мафкуравий куч билан бошқариш самарали экани тарихан исботланган ҳақиқатdir.


Истиқлол мафкурасининг асосий вазифалари. Унинг олдига қўйилган бош мақсаддан келиб чиқади, бунда бош мақсадга эришишнинг восита ва усуслари, йўллари ва имкониятлари аникланади. Одамларимизда мустакил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш — миллий истиқлол мафкурасининг асосий вазифаларидан биридир. Шу маънода бу мафкура ўзида халқимизнинг эзгу орзу-умидлари ва ҳаётий манфаатларини ифода этар экан, бу мақсадларга эришишнинг зарур шарти сифатида баркамол инсон шахсини шакллантиришга алоҳида эътибор беради. Маънавий баркамол кишиларгина шахсий ва умуммиллий манфаатлар уйғунлигини төран англайди, Ватан озод бўлмаса, шахс озод бўла олмаслиги ни тушунади, ва бу йўлда фаол меҳнат қиласи.

43-чизма.



Истиқлол мафкураси биринчи навбатда ёш авлоднинг ҳаётига янгича маънио ва мазмун бахш этишга, унда фаол ҳаётий позицияни шакллантиришга қаратилғандир. Чунки ёшлар факат миллий ғоя тимсолидагина мамлакат тараққиёти, юрт тиңчилиги ва халқ фаровоилигини таъминлашнинг муҳим воситасини кўрадилар. Ёшлар табиатан турли ғояларга кизиқувчан ва уларга тез берилувчан бўладилар.

44-чизма.



Миллий истиқлол мафкураси ҳали турмушнинг аччик-чучугини татиб кўрмаган, ҳаётний тажрибага эга бўлмаган ана шу авлодни миллий манфаат ва тараққиётимизга ёт бўлган соҳта ва бузғунчи ғоялар тажовузидан ҳимоя қиласи, фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантиради. «Иммунитет» аслида тибиётга оид тушунча бўлиб, инсон организмининг турли ташқи таъсиirlар ва касалликларга қаршилик кўрсатиш кобилиятини англатади. Жамият ва шахс ҳам худди жонли организм сингари муттасил равишда мафкуравий босим ва тазийклар таъсирини сезиб яшайди. Миллий истиқлол мафкураси эса жамият аъзоларида миллий манфаат ва мақсадлар

учун бутунлай ёт бўлган ғоя ва мафкурага қаршилик кўрсатиш, уларга қарши курашиш қобилиятини шакллантиради.

Инсоният тараққиётга интилар экан, унда бунёдкорлик ҳисси мавжуд экан, илфор ғоялар дунёга келаверади. Босқинчилик, талончилик интилишлари бузғунчилик ғоялари таъсирида юзага чиқади. Шу боисдан ҳам бундай заарали ғояларга қарши курашга доимо тайёр туриш, ёт ғоя ва мафкуралардан огоҳ бўлиш хаётий зарурат бўлиб қолмоқда.

Ватан равнақи, эл-юрт тинчлиги ва ҳалқ фаровонлиги учун фидойилик иймон-эътиқодли аждодларимиздан бизгача етиб келган буюк меросдир. Чет эл босқинчиларига қарши саботматонат билан курашган Широқ, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик сингари улуғ саркарда ва ҳалқ қаҳрамонларининг жасорати бугунги кунда ҳам ватандошларимизда фарх ва ғуурланиш туйғусини кучайтиради. Мустабид тузум қатағонларининг қурбони бўлган Фитрат, Чўлпон, Абдулла Кодирий, Усмон Носир ва бошқаларнинг жасорати эл-юртимиз мустақиллиги, озодлиги йўлидаги фидойиликнинг ёрқин намунасиdir. Ҳалқимиз онгига иймон-эътиқод, ҳалоллик, инсоф-диёнат, меҳнатсеварлик, сахийлик фазилатларини сингдириш миллий истиқлол мафкурасининг муҳим вазифасидир.


Хуллас, миллий истиқлол ғояси Ватанимиз мустақиллигини мустахкамлаш, юртимизни озод ва обод этиш, фаровон жамият куриш учун хизмат қилади. Унинг бу борада 45-чизмада кўрсатилган бир қатор хусусиятлари мавжуд.

Ана шу хусусиятларга эга бўлган миллий истиқлол ғояси фуқаролар ҳаётининг маъноси ва мазмунини белгилайди. Уларга Ватан равнақи, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлигини таъминлаш, буюк келажакни барпо этиш учун яшаш ва курашиш чинакам инсоний саодат эканлигини яққол кўрсатади. Мустақил фикрга эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон порлоқ келажакка дадил интилиш билан яшайди. Истиқлол ғояси ҳар бир, юрдошимизда ана шундай ишонч уйғотади, жамиятимизнинг нировард мақсад-муддаолари йўлида фаол меҳнат қилишга унрайди.

V боб. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ГОЯСИНИ ҲАЛҚИМИЗ ҚАЛБИ ВА ОНГИГА СИНГДИРИШ

Миллий истиқлол гоясини Ўзбекистоннинг мустақил таракқиёт стратегиясини, ўзбек ҳалқининг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсад-муддаоларини ҳисобга олган ҳолда, ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг муайян тизими ва устувор йўналишлари мавжуд. Бунда жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш, таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади.

45-чизма.




Миллий истиқлол гоясни сингдиришда ҳар бир ота-она-нинг ўз фарзандининг мактабгача тарбияси, унинг кейинги

тараққиёт даврида қанчалик аҳамият касб этиши, бу давр узлуксиз таълим ва тарбиянинг мухим босқичи эканини англаб этиши ниҳоятда мухим. Бунда оиланинг таълим муассасалари тизимиға изчил уйғунлашувига эришиш зарур. Бу даврдаги барча бевосита таълим берувчи муассасалар (мактаблар, лицей, касб-хунар колледжлари, олий ўқув юртлари) мафкуравий тарбиянинг асосий ўчоклариdir. Уларнинг барчасида амалга ошириладиган мафкуравий таълим жараёнида, барча ўқув кўлланмалари ва дарсликлар, кўшимча адабиётларда қуидаги омиллар устувор аҳамият касб этиши лозим:

- Ватан туйғусини шакллантириш;
- она тилимизга мұхабbat уйғотиш;
- миллий қадриятларга ҳурматни кучайтириш;
- эзгулик тимсоли бўлган аёлни улуғлаш;
- оиланинг ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашдаги ролини кўрсатиш;
- маҳалланинг демократия дарсхонаси ва ўз-ўзини бошқариш мактаби эканини тушунтириш ва ҳоказо.

46-чизма.



Фоявий тарбиянинг моҳияти. Шахс тарбиясининг мухим ўниалиши - бу гоявий тарбиядир. Бу - инсон онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадиий, касбий қарашларни мақсадли

шакллантириш жараёнидир. Ҳар қандай тарбия жараёни охир-оқибат, ўз мақсад ва моҳиятига кўра ғоявий тарбиядир.

Бу боланинг дунё ҳақидаги, оламнинг ривожланиш қонуниятлари, инсоний муносабатлар борасидаги ўзига хосликлар, ахлоқ тамойиллари, гўзаллик ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришга хизмат қиласди. Бу — том маънода мафкуравий тарбиянинг асоси, пойдеворидир. Шунинг учун мафкурасиз инсон, мафкурасиз гурӯҳ, миллат, ҳалқ, жамият бўлиши мумкин эмас.

Фоявий тарбиянинг мақсади. Ҳар қандай мафкуравий тарбияпинг мақсади - жамиятнинг ҳар бир аъзоси ва улар тимсолида ҳар бир ижтимоий қатлам, гурухнинг тарбиявий даражасини таъминлашдир. Бу пировард натижада ўша жамият ривожига туртки берувчи илғор ғояларнинг ҳар бир фуқаро томонидан онгли равишда ўзлаштирилишини, унинг тафаккур ва фикрлаш тарзига айлантирилишини таъминлайди. Шу маънода, миллий истиқбол мафкураси Ўзбекистонда яшаб, ижод қилаётган ҳар бир фуқаро онги ва шуурида асрий миллий қадриятларимиз, ҳалқимизнинг бугунги ва келгусидаги манфаатларини ифодаловчи энг соғлом ғоялар ва фикрлар тарзида - ҳалқ тафаккури тарзида ўз ифодасини топиши лозим. Бу жихат мафкуравий тарбиянинг бош хусусиятларидан биридир.

Фоявий тарбиянинг энг муҳим омилларидан бири оила-дир. Оила — жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало, оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади.

Ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла ҳалқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда, улкан тарбиявий вазифани бажаради. Кексаларнинг панд-насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида ёшлар онгига эзгулик ғоялари сингдириб борилади.

Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни бекиёсдир.

47-чизма.




Мехнат жамоалари инсон умрининг асосий қисми ўтадиган, унинг тафаккури, хаётга муносабати шаклланадиган ижтимоий-маънавий мухитдир. Улар кишида жамоа руҳи, меҳнатсеварлик, омилкорлик, адолат тушунгчаси, меҳр-оқибат тўйғуларини тарбияладиган меҳнат жамоалари бўлиб, турли миллат ва динга мансуб одамларни дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро маидаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш, соғлом маънавий мухитни вужудга келтиришда муҳим омил вазифасини бажаради.

Сиёсий партиялар ўз фаолияти билан фикрлар ранг-баранглиги ва қарашлар хилма-хиллигига асосланган демократик жамият барии этиш гоясиний амалга ошишига хизмат қиласиди. Ўзбекистондаги ҳар бир партия ўз дастурий қараш ва мақсадларини рўёбга чиқариш учун барча хуқукий асос ва қонуний кафолатларга эга.

Мамлакатимиз ҳаётида фаолият кўрсатаётган **нодавлат ташкилотлар** ҳам мафкуравий жараёнларда фаол иштирок этиши лозим бўлган олимлар қаторига киради.

48-чизма.



Жамоатчилик фикрини шакллантириш, миллий истиқбол мафкурасини халқимиз, аввало, ёш авлод онгига сингдириша **оммавий ахборот воситалари** алоҳида ўрин тутади. Улар маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёни, бу борадаги муаммоларни, жамият ҳаётининг турли қирраларини тезкорлик билан акс эттирадиган энг самарали воситадир.

Мафкуравий тарбиянинг энг таъсирчан воситаларидан бири ҳам **мулоқот** ҳисобланади. Чунки инсон қалбидаги шаклланадиган дунёқараш, эътиқод, иймои, виждон, масъулият каби фазилатлар тарбиясида радио-телевидение, газета-журналлар, бадиий ҳамда илмий адабиётнинг ўринини эътироф этган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, юзма-юз кечадиган фикр алмашув, инсоннинг юзи ва кўзига қараб туриб айтиладиган бамаъни сўз ва ҳиссиятларнинг ўрии бекиёс. Шунинг учун ҳам ота-она бир гапни айтиши лозим бўлса, боласининг юзини ўзига қаратиб олиб, зарур юз киёфаси ва кўзидағи самимият

билин фикрини уктира бошлайди. Ва бундай мулокот самарали бўлади. Шу боис аудиторияларда ўқитувчи билан ўкувчи, талаба ва домла ўртасидаги мулокот таълим ва тарбия жараёнида катта аҳамиятга эгадир.

49-чизма.



Соғлом дунёкараш, масъулият, иймон ва эътиқодни ёшлар онгига шакллантиришнинг куйидаги асосий объектив шарт-шароитлари ва омилларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- а)ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий мухит;
- б)сиёсий онг ва ҳукукий маданиятнинг ўсиши;
- в)ёшларнинг билим даражаси;
- г)одатий, анъанавий фикрлаш тарзидан янгича, илфор фикрлашга ўтиш.

Янги давр, янгича ислоҳотлар, демократия, бозор муносабатлари айнан тафаккур ва фикрдаги ўзгаришларни тақозо этади, аммо бу жараён бирданига, тез ва бир текисда рўй бермайди. Бу— мураккаб, босқичма-босқич амалга ошадиган жараён бўлиб, унда бошқа ижтимоий қатлам вакиллари билан бирга ёшлар ташаббускорлик кўрсатиши, ўз дунёкараши ва эътиқоди билан бошқаларга таъсир кўрсатиши керак.

Мафкуравий тарбия ўзига хос тизимиға эга бўлиб, бу тизимда хилма-хил бўғинлар ўзига хос аҳамият касб этади. Бу борада мафкуравий тарбия субеъктлари алоҳида ўрин тутади.

Жамият аъзоси сифатида, инсон доимо турли гуруҳ ва жамоаларнинг вакили сифатида уларнинг таъсири остида бўлади. Яъни, ҳар бир шахснинг феъл-авторида, хатти-ҳаракатларида у мансуб бўлган миллат, ҳалқ, профессионал тоифа, жамоа ва оиланинг ижобий ёки салбий таъсири бўлади.

Тарихий шарт-шароит, давр, давлат тузими ва ўша жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий таъсирлар унинг дунёқараши, фикрлаш тарзи, тафаккурида ўз аксини топади. Бундай таъсирларнинг икки хили мавжуд:

- микро босқичдаги таъсирлар ёки кенг маънодаги ижтимоий-маънавий, сиёсий ҳамда иқтисодий муҳит таъсирлари;
- микро босқичдаги таъсирлар ёки бевосита инсон боласи туғилиб ўсадиган оила, таълим ва тарбия масканлари, меҳнат жамоаси, маҳалла ва дўстлар муҳитидаги таъсирлар.

Бир карашда инсон феъл-авторини иккинчи босқич таъсирларгина белгилайдигандай туюлади. Чунки, «Куш уясида кўрганини қилади», деганларидек, айниқса, ўзбекчиликда одамнинг оиласи, насли-насаби, маҳалласи, таълим олган билим даргоҳига катта эътибор берилади ва бундай муносабат ҳаётда ўзини оклади ҳам. Лекин макро босқичдаги таъсирларнинг аҳамиятини ҳам камситиш тўгри бўлмайди. Масалан, шўролар тузуми жамият аъзоларининг муте, тобе, ихлоссиз, баъзи бир жиҳатдан иймонсиз бўлиб камол топишига замин яратганки, бунга асосан ўша муҳитдаги носоғлом, инсон қадрини ерга урувчи иқтисодий сиёsat ва идеология сабаб бўлган.

Мафкурани амалга оширувчи шахсдан аввало, тажриба, билимдонлик, ишонтира олиш қобилияти, унинг нутқи, ўзига ишонч ва бошқалар талаб қилинади. Мафкурачиларнинг асосий иш услуби, ўзида мавжуд билим, тушунча, фояларни асос қилиб олган ҳолда, биринчи навбатда ёшларда, колаверса, кенг ҳалқ оммаси онгига мустаҳкам эътиқодни шакллантириш, таъсир кўрсатишдир. Бунда у мулоқотнинг барча самарали ва таъсирчан воситаларидан-монолог, диалог, баҳс-му-

нозара кабилардан фойдаланади. Айнан ана шу фаолият ҳар бир таъсир кўрсатувчининг риторика асосларидан хабардор бўлишини, нутқ маҳоратини эгаллашини талаб қиласди. Сўзловчи нутқий ва нутқий бўлмаган воситалардан ўз ўрнида максадга мувофиқ тарзда фойдалана олиши шарт. Ҳиссий таъсир усуллари-ўринли ишлатилган қарашлар, имо-ишора, мимика кабилар ҳам таъсирни кучайтирувчи психологик механизмлар эканини унутмаслик керак.

50-чизма.



Тарбиячидан талаб қилинадиган яна бир муҳим хислат — гапираётган кишининг ёқимтойлигидир. Бу ҳам нотиққа нисбатан ишонч ва эътиқодни оширади. Ёшлилар аудиториясида, воизнинг мурожаатига эътибор жиддийроқ бўлади. Зиёли, олимлар аудиториясида, мантиқий, илмий таҳлилларга асосланган фикр ва мулоҳазалар катта таъсир кучига эга бўлади.


51-чизма.



Нотиқнинг нима ҳақида гапираётгани (ахборотнинг мазмуми) ҳам мағкуравий тарбияда муҳим ўрин тутади. Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, одамларга ҳам ақлан асосланган (рационал), ҳам эмоционал (хиссийт уйғотувчи) маълумотлар тез таъсири қиласи. Бунда аудитория хусусияти назарда тутилиши керак. Масалан, ўқимишли, тушунган одамлар аудиторияси фактларга таянган, асосли маълумотни тез қабул қилиб, унга ишонса, кичик ёшлилар, маълумот даражаси пастроқ шахслар кўпроқ юракка яқин, эмоционал маълумотга ўч булади. Мағкуравий ахборот ёзма ёки оғзаки тарзда етказилиши мумкин. Агар биринчисига газета, журналлар, китоб ва дарсликлар, ёзма манбаларда мужассамлашган маълумотлар кирса, иккинчисига маъруза, дарсни баён этиш, мунозара ва суҳбатлар ўtkазиш киради. Бундан ташқари, мағкуравий ғоялар турли бадиий ва ҳужжатли фильмлар, болалар ёки катталар учун яратилган мультфильмлар орқали ҳам ет-

казилиши мүмкін. Мұхими, улар халқ маңнавияти, ўлmas меросимиз, келажакка ишонч үйғотувчи маңно-мазмун билан йүргілгән бўлиши керак.

52-чизма.



Х у л о с а

Маълумки, ҳар қандай фан тараққиётининг самараси унинг назарий асосларини амалий фаолият соҳаларига тўғри ва тўлаттўқис татбиқ этилиши билан боғлик. Бу эндиғина шаклланастган «Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар» ўқув фанига ҳам тааллуклидир. Ушбу зарурат мазкур фан асосларини таълим-тарбия жараёнида чукурроқ ўзлаштиришнинг энг самарали йўлларидан фойдаланишни такозо этади.

Ана шу мақсадда тайёрланган ва сиз танишиб чикқан изоҳли кўргазмали воситаларнинг методологик йўналишини ва мавзулар тартибини белгилашда Ўзбекистон Президентининг асарлари ҳамда «Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи асос бўлган.

Чизмаларда кўзга ташланиши мумкин бўлган айрим ўхшашликлар, энг аввало, миллий мафкурамизнинг энг муҳим тушунча ва тамойилларнинг турли мавзу ва муаммоларнинг тақозоси билан, ҳар хил нуқтаи назардан, қайта-қайта уқтириш зарурати билан боғлик. Бу уларни ўқувчилар онгига янада чукурроқ сингдириш ва ўқитувчилар меҳнатини қизиқарли воситалар билан бойитиш мақсадини кўзда тутади. Айнан шу мақсадда китобчада ҳар бир чизмага ундаги тушунча ва тамойилларнинг янги қирраларини очиб берадиган, умуман олганда кўргазмали воситаларни муайян даражада тўлдирадиган кисқа ва муҳтасар изоҳлар берилди.

Шу билан бирга, ҳар қандай дастлабки уринишида бўлганидек, изоҳли кўргазмали воситаларнинг биринчи нашрида ҳам айрим камчиликларга йўл қўйилган бўлиши табиий. Келажакда уларни таълим-тарбия соҳаларига ва ўқитиш-ўргатиш жараёнларига чукурроқ татбиқ этишда туғиладиган фикр-мулоҳазалар ва тўплападиган тажриба мавжуд камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради, деган умиддамиз.

МУНДАРИЖА

Кириш

Миллий истиқтол ғояси ўқув фанининг предмети,	
мақсад ва вазифалари	3
I боб. Фоя ва мағкуралар тарихидан.....	9
II боб. Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш	21
III боб. Ўзбекистон тараккиётни ва мағкуравий муаммолар	33
IV боб. Миллий истиқтол ғояси.....	48
V боб. Миллий истиқтол ғоясини ҳалқимиз қалби ва онгига сингдириш	77
Хулоса	78

Ижтимоий-сиёсий нашир

МИЛЛИЙ ИСТИКЛОЛ ГОЯСИ: асосий тушунча ва тамойиллар

(Изоҳли кўргазмали воситалар тўплами)

Масъул – *Қ. Назаров*

Мусаввирлар: – *И. Исмоилов, Р. Азимов*

Мусахих – *У. Валиев*

ИБ №3574

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, Тошкент, Мустақиллик майдони-5

Ўзбекистон ёшлири «Камолот» жамғармаси «Яиги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази, Тошкент, Чилонзор-8, Кагортол кўчаси 60.

Босмахонага 19.07.2001 топширилди. Босишга 6.08.2001 рухсат берилди. Бичими 60x90^{1/16}. Офсет босма. Шартли босма табок 7.04 б.т. Нашр босма табок 5,0 б.т. Адади 15000. Рақамли буюртма K-8882.

Ўзбекистон республикаси Давлат қўмитаси ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.